

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
НАВОИЙ ПЕДАГОГ ХОДИМЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ
ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

Эшонқулова Н.Ш.

«ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ» ФАНИДАН МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

НАВОИЙ – 2005

«Давлат ва ҳуқуқ назарияси» фанидан ушбу маърузалар матни тарих факультети «Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари» бўлими талабаларига мўлжалланган бўлиб, курсни тўла ўзлаштиришга ёрдамқ беради.

Маърузалар матнини тузушда «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» ва ю.ф.н.доц. Қ.Т.Холмўминов нинг «Давлат ва ҳўқўқ назарияси» фанидан ўқув қўлланмасидан фойдаланилди.

Тузувчи: Эшонқулова Назира Шариповна

Такризчи: Худойбердиев Р.А.

«Миллий истиқлол ғояси: ҳуқуқ ва маънавият асослари» кафедраси йиғилишида талабалар учун қўлланма сифатида тавсия этилган.

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ -УМУМНАЗАРИЙ ҲУҚУҚИЙ ФАН

Режа:

1. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети
2. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг усули
3. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ижтимоий фанлар билан алоқаси
4. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг функциялари

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов А.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасидир. 3-том, Т., «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов А.А. Биздан озод ва обод ватан қаолсин. 2-том, Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
5. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети. Бу фан ўзининг предмети ва усулига эгадир. Фаннинг предмети у ўрганадиган масалаларнинг йиғиндисидир. Методи эса бу фан предмети ўрганиш усуллари. Бу фан жамиятда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятларини ўргатади. Шунинг учун бу фан барча ҳуқуқшунослик фанлари учун методологик умумназарий масалаларни асосий тушунчаларини, тамойилларни ва таълимотларни урганади. Бу масалалар барча ҳуқуқшунослик фанлари учун тааллуқлидир.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси амалиёт билан узвий борлиқдир. Кишилиқ жамиятининг ривожланиш тараққиётида бу фан давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятларини бойитиб боради. Давлат ва ҳуқуқ ҳар бир жамият ижтимоий тараққиётининг муҳим кўрсаткичидир. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтаётган ҳозирги вазиятда турли иқтисодий, сиёсий, маърифий ислохотларни ўтказишда, инсонпарвар Демократик ҳуқуқий давлатни шакллантиришда бу фан муқим аҳмиятга эга.

Биничи чақириқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаёқ Президентимиз давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда амалиётини янгича тушуниш зарурлигини асослагани қолмай, балки унинг моҳиятини ҳам таърифлаб берди: «Биз яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг курули сифатида давлат ҳақидаги марксча ғояни шиор қилиб олиб, бу назарияни догмага, давлат ва ҳуқуқни еса синфий кураш, синфий рақбларни янглиш воситасида айлантирган эдик. Демократия шароитларида эса давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, мурасаи мадора билан бартараф этиш воситасига айланади.

«Ҳуқуқнинг ўзига эга ижтимоий ҳамжиҳатлик ва келишувига асосланган ижтимоий тартиб-интизомга эришиш эркинлик, адолат адолатпарварлик ва тенгликни вужудга келтириш воситаси сифатида ёндошилади»

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг предмети жамиятда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятларини, моҳияти, шакллари, принциплари, функцияси, сиёсий, онгни, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тартибга солишни ўргатади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси фани куйидаги хусусиятларга эга:

Биринчидан, бу фан ижтимоий фан бўлиб, сиёсий юридик фандир. Чунки уни ўрганадиган соҳаси жамиятда энг муҳим ижтимоий ҳодисалар давлат ва ҳуқуқ масалаларини пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятларидир.

Иккинчидан, бу фан умумназарий фан, зеро у жамиятда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш умумий қонуниятларини очиқ беради.

Учинчидан, бу фан фалсафий хусусиятга эга. Чунки давлат пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятларини фалсафанинг (диалектик ва тарихий материализм) қонунларига асосан ўрганади.

фан амалиёт билан борлиқдир. Чунки у

Тўртинчидан бу фан амалиёт билан боғлиқ. Чунки у Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда назарий асос бўлиб хизмат қилади. У шахс жамият, давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги билимини ошириб уларга ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ривожлантиришга ёрдам беради.

2. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг усули — деганда бу фан ўрганадиган предметни илмий ўрганиш йўлларига айтилади. Бу усуллар давлат ва ҳуқуқнинг моҳияти, вазифалари, функциялари ва ривожланишини илмий билиш учун хизмат қилади. Бу фан ўз предметнинг умумий ва хусусий илмий усуллар орқали ўрганади.

Умумий усул бу фалсафий (диалектик ва тарихий материализм) қонуниятларига асосан давлат ва ҳуқуқ масалаларини ўрганишдир. Диалектиканинг 3 та асосий қонуни бўлиб, улар қарама — қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни, миқдор ўзгаришларнинг сифат ўзгаришларга ўтиши ва инкорни инкор қилиш қонуни асосида давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш ва ривожланишини ўргатади.

Фалсафий усулга асосан давлат ва ҳуқуқни ўрганиш — бу ижтимоий ҳодиса бўлиб, булар бошқа ижтимоий ҳодисалар инсон билан жамият ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва мафкуравий шароитлари билан боғлиқдир. Бундан ташқари давлат ва ҳуқуқ доимо ривожланишдадир. Жамият тараққиётининг ҳар бир янги босқичга кириши — давлат ва ҳуқуқнинг янги босқичидир. Бунда давлат ва ҳуқуқ моҳиятига кўра эски босқичнинг ижобий томонини сақлаб, янги тажрибаларни тўплаб ижтимоий белгилари билан ўз вазифасини бажаради. Бунинг исботи учун бир томондан қулдорлик ва феодал давлат ва ҳуқуқини, иккинчи томондан ҳозирги капиталистик давлат ва ҳуқуқни солиштириш мумкин.

Давлат ва ҳуқуқ назариясининг умумий усули билан бир қаторда, унинг хусусий илмий усуллари ҳам мавжуд. Бу усулларга қуйидагилар киради: мантикий усул, қиёсий усул, тарихий усул, социологик усул, системали усул, кибернетика ва бошқа усуллар.

Мантикий усул. Давлат ва ҳуқуқ масалаларини мантиқ илмининг таффақкур ва билиш қонуниятларининг усул ва воситаларига асосан ўргатади. Давлат ва ҳуқуқ масалаларини ўрганишда мантикий угулдан фойдаланиш булар ҳақидаги илмий хулосалар чиқаришга имкон беради.

Қиёсий усул. Бу давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги тушунчалар ўзаро солиштирилиб, улар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар аниқланади. Бу усулнинг фанда ва амалиётда аҳамияти жуда каттадир. Масалан давлат ва ҳуқуқнинг ҳар бир типи (қулдорлик, феодал, буржуазия) аввалгисига нисбатан ижобийдир.

Тарихий усул. Давлат ва ҳуқуқ масалалари тарихий ривожланишнинг турли босқичларида ўрганилади. Бунда кишилиқ жамиятининг турли даврларида содир бўлган воқеалар, ҳодисалар, тарихий манбалар қонунлар, алоҳида ишлар суд қарорлари ўрганилади.

Социологик усул. Давлат ва ҳуқуқ масалаларини ўрганишда алоҳида далиллар ва фактлар асосида ўрганилади. Бу усул аҳолидан суроқлар орқали ўрганишни, анкеталар ёрдамида маълумотлар тўплашда статистикадан фойдаланилади.

Кибернетик усул. Давлат ва ҳуқуқ соҳасида ахборот беришда математик — статистик усулларни қўллаган статистика ахборотларини компьютерлар ёрдамида қайта ишлашда турли хил техника воситаларидан фойдаланилади.

3. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг ижтимоий фанлар тизимида ўрни. Бу фан ўқув фани сифатида турли ижтимоий ва юридик фанлар билан узвий борлиқдир. Айни вақтда давлат ва ҳуқуқ назарияси бошқа фанлардан фарқ қилади. Буларнинг муносабатларини кўриб чиқамиз.

Иқтисодий назария ва давлат ва ҳуқуқ назарияси. Иқтисодий назария фани жамиятнинг базисини ишлаб чиқариш муносабатлари, ҳўжалик соҳаларини ташкил этиш, молия, кредит ва бошқаларни ўргатади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси жамиятда усткурманинг муҳим қисми бўлган давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш қонуниятларини ўрганади. Бу фанлар бир —бири билан ўзаро боғлиқдир. Чунки жамиятда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши иқтисод билан борлиқ бўлса, ўз навбатида давлат ва жамиятнинг иқтисодий тузилишини ривожлантиришга ёрдам беради.

Фалсафа ва ва ҳуқуқ назарияси. Фалсафа табиат ва жамият ривожланишининг умумий қонуниятларини ўргатади. У жамият, инсон, давлат ва ҳуқуқ масалаларини умумий тарзда, ижтимоий ҳодиса деб ўргатади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси эса фалсафанинг қонуниятларига асосан жамиятда давлат ва ҳуқуқ пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятларини ўргатади. Бу фанлар бир — бирини такрорламайди. Балки тўлдиради. Фалсафа давлат ва ҳуқуқ ҳодисаларининг билиш асосидир. Давлат ва ҳуқуқ назарияси эса фалсафани материаллар билан қуроллантиради, ижтимоий тараққиёт ва озодликнинг умумий тамойилларини белгилаб беради.

Социология ва давлат ва ҳуқуқ назарияси. Социология жамиятнинг яхлит, унинг алоҳида тузилиши ва ижтимоий гуруҳлари тўғрисидаги турли ижтимоий жараёнлар, алоҳида шахслар ва гуруҳларнинг ҳулқ — атворининг қонуниятлари ҳақидаги фандир. Социология ўзининг ҳулосаларида турли ижтимоий маълумотлар, ижтимоий тажрибалар ўтказишга асосланади. Барча ижтимоий ҳодисалар, шу жумладан давлат ва ҳуқуқ масалалари ҳам социологик текширишнинг объекти бўлади. Социология ҳам, фалсафа каби давлат ва ҳуқуқни тадбиқ этар экан, ўз предметини кеигайтиради.

Сиёсатшunosлик ва давлат ва ҳуқуқ назарияси. Сиёсатшunosлик сиёсатни, унинг шакллари, сиёсий фаолияти ва сиёсий бирлашмаларнинг шу жумладан партияларни, сиёсий давлат ҳокимияти фаолиятини, фуқаролик жамияти, давлат ва шахснинг ўзаро ҳуқуқий муносабатларини ўргатади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси бевосита давлат ва ҳуқуқ масалаларини ўргатади.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи билан боғлиқдир. Чунки сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ўтмишда ва ҳозирги вақтда давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги турли сиёсий, ҳуқуқий қарашлари ўргатади. Давлат ва ҳуқуқ назарияси шу материаллардан фойдаланиб давлат ва ҳуқуқ масалаларини ўргатади.

Махсус юридик фанлар фуқаролик ҳуқуқи, Конституциявий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ ва бошқалардан давлат ва ҳуқуқ назариясини боғлиқлиги буларга умумназарий, методологик раҳбарий фандир. Ўз навбатида бу фан махсус юридик фанларнинг материалларидан давлат ва масалаларига тааллуқли назарий ҳулосалар чиқаришда фойдаланади. Шундай қилиб давлат ва ҳуқуқ назарияси фани жамиятда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш умумий қонуниятларини ишлаб чиқишда ижтимоий ва юридик фанлар билан узвий боғлиқдир.

4. Давлат ва ҳуқуқ назариясининг функциялари. Бу фан жамиятда давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятини ўргатар экан у ўз олдида қўйилган вазифани бажариш учун қуйидаги функцияларни бажаради.

1. Илмий билиш функциялари. Давлат ва масалаларини илмий асосда ўрганади. Бунда давлат ва ҳуқуқга тааллуқли қонуниятларни очиб, уларни назарий ва амалий жиҳатдан анализ қилиб муҳим хусусиятларини кўрсатиб беради. Давлат ва ҳуқуқ масалалари илмий равишда тадқиқи келгусида унинг ривожланиши ҳақида илмий ҳулосалар беради.

2. Амалий билиш функцияси. Бу фан давлат ва пайдо бўлиш ва ривожланиш қонуниятларини назарий жиҳатдан очиб бериб, унинг турмуш амалиёти билан боғлиқ олиб боради. Масалан, давлат ва ҳуқуқни такомиллаштиришда қонунийликни ривожлантириш ва уни турмушда қўллаш ишларини яхшилашда тавсиялар беради.

3. Методологик функция. Бу фан барча фанга нисбатан методологик умумраҳбарий функцияни бажаради. Давлат ва ҳуқуқ назариясини давлат ва қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ҳуқуқий муносабат, юридик жавобгарлик ва бошқа тушунчалари барча юридик фанларга тааллуқлидир. Шунинг учун бу фаннинг давлат ва ҳуқуққа тааллуқли барча назарий масалалари юридик фанлар учун метадологик асос бўлиб хизмат қилади.

4. Ғоявий — тарбиявий функция. Бу фан давлат ва ҳуқуқ масалаларини умуминсоний қадриятлар ва турли миллий мафкура асосида ўрганади. Давлат ва ҳуқуқнинг халқаро тан олинган принциплари бор. Демократик ҳуқуқий давлат қуриш, давлатни идора этишда барча аҳолининг тенглик, эркинлик асосида иштироки, халқлар ва миллатлараро дўстлик, инсоннинг ўз хоҳиш иродасини билдириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсунishi, барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги, давлат асосий органларининг сайланиши, уларнинг сайловчиларга ҳисоб бериши, давлат ва жамият бошқарувида қонун устунлиги ва бошқалар.

Ўзбек миллий давлат ва ҳуқуқини пайдо бўлиш ва ривожланишини турли мафкура асосида, шарқ фалсафаси (ислом таълимоти), тарихий ҳуқуқий мерос ва тажриба асосида ўрганади.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДАВЛАТ МУНОСАБАТЛАРИ

Режа:

1. Жамият ва унинг ривожлантириш босқичлари
2. Давлатнинг пайдо бўлиш сабаблари
3. Давлатнинг пайдо бўлиши ҳақида турли наариялар

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов А.А. Миллий давлатчилик, истиқлол мафкураси ҳақиқий маданият тўғрисида. Тошкент, 1999.
3. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
4. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

1. Жамият ва унинг ривожланиш босқичлари. Жамият бу инсонларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида, уларнинг ўзаро бирлашуви ва кишилар ўртасидаги иқтисодий, ахлоқий, диний, маънавий ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг йиғиндисидир.

Кишилиқ жамиятининг тараққиётига таъсир қилувчи кучлар қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий куч - бунга жамиятдаги ишлаб чиқариш қўроллари, ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари киради.
2. Сиёсий куч - бунга жамиятдаги сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асослар киради.
3. Мафкуравий куч — жамиятдаги барча ғоялар, қарашлар йиғиндисидир. Жамиятнинг субъекти бўлиб фуқаролар, миллат, элатлар, синфлар, гуруҳлар, табақалар қатнашади. Жамиятда биологик қонунлар эмас, ижтимоий қонунлар ҳаракат қилади. Жамиятнинг асосини кишиларнинг маълум жамиятдаги бирлаштирувчи унинг иқтисодий тузилиши (моддий) асоси ташкил қилади. Бундан қуйидаги 3 —та назарий масала келиб чиқади: Биринчидан, кишилиқ жамияти турли ижтимоий —иқтисодий босқичларга (қулдорлик,

феодал, капиталистик, социалистикка) бўлинади. Иккинчидан, ижтимоий турмуш иқтисодий, сиёсий ва маънавий каби муҳим соқаларга бўлинади, Учинчидан, ижтимоий муносабатнинг субъектлари шахс, оила, миллат, элатлар, синф, турли табақалар унда иштирок этади.

Жамиятда ижтимоий ва сиёсий ҳокимият мавжуд. Ижтимоий ҳокимият бу ибтидоий жамоа тузуми — давлатсиз жамиятга тааллуқлидир. Ибтидоий жамоа тузумининг тузилиш таркибини уруғ, фратрия, қабила ташкил қилган. Уруғ бу кишиларнинг қон ва тил жиҳатдан, яқин бўлган иттифоқидир. Бир неча уруғ бирлашиб фратрияни (лотинча уюшма), бир неча фратрия бирлашиб қабилани ташкил қилган. Буларнинг уруғ, фратрия ва қабилани умимий йиғилишида сайлаб қуйилган, ҳаёт тажрибасига эга бўлган ва жамоа аъзоларининг ҳурматига лойиқ бўлган оқсоқоллар кенгаши бошқарган. Ибтидоий жамоа тузумида кишиларнинг тенглик, озодлик ва қардошлик демократик қоидалари мавжуд бўлиб, улар тенглик, озодлик ва биродарлик асосида яшаган. Бу жамиятдаги кишиларнинг яшаш шароити ва жамоа меҳнатининг масалалари уруғ аъзоларининг умумий йиғилишида ва диний қоидалар асосида тартибга солинар эди. Бу турмуш қоидалари барча жамият аъзоларининг манфаатига мос бўлиб, улар томонидан онгли равишда бажарилган.

Жамиятда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг таракқиёти, хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиш ва бу билан борлиқ бўлган жамиятнинг қарама — қарши синфларга бўлиниши, жамиятни давлат орқали бошқариш — сиёсий ҳокимият шаклига олиб келади.

Кишилик жамияти таракқиётининг кейинги босқичи бу давлатли жамиятдир. Қулдорлик давлати эксплуатацияга асосланган биринчи давлатдир. Бу давлат ҳукмрон синф қулдорлар синфини манфаатларини ҳимоя қиладиган сиёсий ҳокимиятдир. Қулдорлар ишлаб чиқариш воситалари, ишлаб чиқариш мақсулотлари ва ишлаб чиқарувчи куч ҳисобланган мазлум синф қулларга хусусий мулк тариқасида эгалик қилган.

Жамиятнинг мълум тарихий шароитида қулдорлик ишлаб чиқариш усули таракқиёт талабларига жавоб беролмай қолди, у феодал ишлаб чиқариш учули билан алмашди. Фаеодал жамиятнинг асосий синфлари ҳукмрон синф феодаллар, қарам синф крепостной деҳқонлардир.

Феодал ишлабчиқариш қурол ва воситаларига тўла, ишлаб чиқариш куч ҳисобланган крепостной деҳқонга эса қисман эгалик қилган. Деҳқон феодал ерини текинга ишлаб беришга (барҳина), ўз ерида етиштирилган ҳосилдан обрак (солик) тўлашга мужбур бўлган. Демак кишилик жамияти 5 — та ижтимоий — иқтисодий босқичларга бўлинади (ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик, феодал, капиталистик ва социалистик).

Шулардан давлатсиз жамият (ибтидоий жамоа тузуми) ва давлатли жамият (қулдорлик, феодал, капиталистик ва социалистикдир). Кўрамизки, давлат жамиятнинг энг муҳим таркибий қисмидир. У жамиятда асосан сиёсий вазифаларни бажаради. Жамият давлатга нисбатан кенгдир. Чунки у жамиятнинг ривожланиши сабабли ижтимоий ҳодиса сифатида пайдо бўлди.

Фуқаролик жамияти фуқаролардан, яъни ўзаро боғлиқликда бўлган ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятга эга бўлган кишилар жамиятидир. Фуқаролик жамияти давлатнинг зўрлик кучи билан бошқарилмасдан бу жамиятнинг аъзоси бўлган фуқароларнинг ўзлари томонидан онгли равишда бошқариладиган жамиятдир. Фуқаролик жамиятига давлатнинг зўрлик кучи унчалик талаб этилмайди. Давлат бундай жамиятнинг назоратида бўлади, чунки давлат жамиятдаги фуқаролар, корхона ва муассасалардан олинадиган солиқлар ҳисобига ҳараках қилади. Фуқаролик жамияти ўзининг сиёсий, маданий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини бошқариб туради.

Барча жамиятлар ҳам фуқаролик жамияти бўлмайди. Бу жамият юксак даражада ижтимоий ривожланган бўлади. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов шундай деб кўрсатади: «Маърифатли дунёда фуқаролар давлати деб гапирилмайди. Фуқаролар жамияти дейилади. Давлат бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташкилотлардан кўра жамоат ташкилотларининг кадри баландроқ туради. Куч ишлатувчи

тузилмалар, вазирликлар, ҳокимият давлат ташкилотлари тизимига киради. Шунинг учун ҳам бизнинг асосий мақсадимиз - бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат фикридан устунроқ бўладиган фуқаролар жамияти куришдан иборат».

Демак, кўрамизки, давлат, ҳуқуқ, ва жамият ўзаро боғлиқдир. Буларнинг ичида жамият кенг тушунчадир. Жамиятнинг ривожланиши сабабли давлат пайдо бўлди. Давлат сиёсий ҳукмронлигини амалга ошириш учун ҳуқуқ пайдо бўлди. Ҳуқуқ барча давлат ва жамият аъзолари учун мажбурийдир.

Давлат ва жамият ўзаро алоқададир. Мамлакатда ижтимоий — сиёсий муносабатлар қанчалик яхши бўлса, жамият ва давлатнинг вазифалари аниқ ажралиб туради. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ўзаро борлиқдир. Чунки жамият ўзининг кўпгина иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини давлатнинг аралашувисиз ҳал қилади. Фуқаролик жамияти ўзини - ўзи бошқаради ва ҳуқуқий давлатга муқим таъсир ўтказади. Шу маънода Президент И.А.Каримов «Демократик жамият - бу, энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинакам демократиянинг олий мазмуни - шахслараро, миллатлараро, давлат ва ижтимоий — сиёсий муносабатларни уйғунлашувидан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч — тотув яшайди», деб кўрсатган эди.

Кўрамизки жамият, давлат ва ҳуқуқ узвий борлиқдир. Жамият давлат ва ҳуқуқдан кенгдир. Давлат ва ҳуқуқ жамият ривожининг муайян босқичида пайдо бўлди. Жамият ривожининг дастлабки босқичларидаги давлатлар зўрликка асосланган. Демократия шароитида давлат цивилизация талабларига мос ҳолда ривожланиб, бунда инсон, давлат ва жамият уйғунлашиб давлат халқ ҳокимиятчилигини амалга оширади.

2. Давлатнинг пайдо бўлиш сабаблари. Ибтидоий жамоа тузумида ишлаб чиқариш куроллари ривожланиб меҳнат тақсимотини пайдо бўлиши — яъни овчилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдогарчиликни ажралишга олиб келади. Бу аввал ҳукм суриб келган кўп оилаликка бардам бериб, жамиятда аёллар ҳукмронлиги инкирозга учраб, яқка оилаликка — эркаклар ҳукмронлигига олиб келди. Бу оилалар қўлида ишлаб чиқариш куроллари ва мақсулотлар тўпланади. Натижада ибтидоий жамоа тузумидаги умумий мулк ўрнида хусусий мулк пайдо бўлиб, бу билан жамият қарам - қарши синфларга бўлиниб давлат пайдо бўлди. Давлат жамиятдан пайдо бўлиб, ижтимоий ҳодисадир. У объектив қонуният сабабли пайдо бўлди.

Давлат жамиятдаги барча синф, миллат, элат, табақа ва халқнинг иқтисодий, сиёсий ва ғоявий жиҳатдан ҳукмронлик қилувчи сиёсий ташкилотдир. Фанда дастлабки давлатлар Европа қитъасида пайдо бўлган деган фикрлар мавжуд. Аслида эса дастлабки давлатлар бизнинг эрамызга қадар бўлган 4 — 3 минг йилларда Европада эмас, шарқда Мессопотамия, қадимги Мисрда, Ҳиндистон, Хитой ва Марказий Осиёда пайдо бўлган.

Давлат ибтидоий жамоа тузумидаги ижтимоий ҳокимиятдан қуйидаги белгилари билан фарқ қилади:

1 . Давлат фуқароларнинг ҳудудий белгисига бўлинади. Ибтидоий жамоа тузумида кишиларнинг уруғ ёки қабилага мансублиги қон — қариндошлигига қараб аниқланар эди. Давлат пайдо бўлгандан кейин фуқаролар ҳудудий белгига қараб, яъни қайси давлат қудудида яшашига қараб ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширади.

2. Сиёсий ҳокимиятнинг таъсис этилиши, бунга давлатнинг зўрлик кучи билан унинг вазифаларини амалга оширадиган зўрлаш аппарати барча давлат органлари, армия, турма ва бошқа муассасалар киради. Булар ибтидоий жамоа тузумида йўқ эди.

3. Давлат сиёсий ҳокимиятни сақлаш учун фуқаролардан солиқ олади. Ибтидоий жамоа тузумида уруғ аъзоларининг обрў — эътиборига, жамият аъзоларининг иззат — ҳурматига асосланган бўлса, энди давлатнинг зўрлик кучига таянади.

4. Давлат суверенитетини (мустақиллиги) мавжудлиги. Бир давлат мустақил ҳолда ўзининг ички ва ташқи вазифаларини амалга оширади.

5. Ибтидоий жамоа тузумидаги ижтимоий нормалар ўрнида ҳуқуқнинг пайдо бўлиши.

6. Умуминсоний вазифаларни бажариш давлат ҳудудини кўриқлаш, барча фуқаролар учун умумий фаровонлик ишларини амалга ошириш.

3. Давлатнинг пайдо бўлиши ҳақида турли назариядир. Кишилиқ жамиятида узок, ўтмишдан то ҳозиргача турли мутафаккирлар давлат ва ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ҳақида турли назариялар яратган. Булардан бири патриархал назариядир. Бу жуда эски назария бўлиб, вакиллари Рим олими Аристотель, Инглиз юрист олими Генри Мен, Рус социологи Н.Михайловскийлардир. Бу назарияга асосан, давлат жамиятда оиланинг тараққий этиши натижасида пайдо бўлган. Оиладан уруғ — қабила-давлат пайдо бўлган. Давлат бошлиғини оила бошлиғи отага тенглаштиради. Оилада бошлиқ ота бўлса, давлатда бошлиқ монархдир. Унинг ҳокимияти чекланмаган ҳокимиятдир.

Шартнома назарияси. Унинг вакиллари Голландияда Гуго Гроций, Англияда — Локк, Гобс, Францияда — Ж.Ж.Руссо ва Россияда А.Н.Радишевдир. Бу назарияга кўра давлат халқ томонидан давлат бошлиғи монарх (подшо) билан тузган шартномага асосан пайдо бўлган. Ҳокимият халққа тегишли бўлиб, халқ унинг монархга берган. Монарх давлатни бошқаролмаса, халқ кузғолон кўтариб, уни тахтдан ағдариши мумкин.

Зўрлик назарияси. Бунинг намоёндалари Австралиялик юрист олим Л.Гумплович, немис олими Е.Дюринг, Россиялик К.Каутскийдир. Булар давлатнинг пайдо бўлишини зўрликка боғлайди. Бир халқ бошқа халқни босиб олиши натижасида давлат пайдо бўлган дейди.

Ирригация назарияси. Давлатнинг пайдо бўлишини Шарқда катта ирригация иншоотларини куриш ва улардан фойдаланишга боғлайди. Бу назария немис олими Биттфогелнинг «Шарқ истибдоди» китобида асослаб берилган.

Синфий назария. Вакиллари (К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин) уларнинг фикрича давлат ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши, иқтисодий сабаблар — ижтимоий меҳнат тақсмоти, хусусий мулкнинг пайдо бўлиши, жамият қарама — қарши синфларга бўлиниши натижасида пайдо бўлган. Давлат қукмрон синф мазлум синфни иқтисодий ва сиёсий жиқатдан бостирувчи машина деб ҳукмрон синф манфаатларини қимоя қилади.

Демак, кўрамизки, давлатнинг пайдо бўлиши ҳақида турли назариялар мавжуд бўлиб, улар бу масалани турлича тушунтиради.

ДАВЛАТНИНГ МОҲИЯТИ ВА БЕЛГИЛАРИ

Режа:

1. Давлатнинг моҳияти ва белгилари
2. Жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрни
3. Президент И.А.Каримовнинг асарларида давлат вап ҳуқуқ масалалари

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов А.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасидир. 3-том, Т., «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов А.А. Биздан озод ва обод ватан қаолсин. 2-том, Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. Файзиева М.М. Мустақиллик нима? Т., «Адолат», 1992
5. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

1. Давлатнинг моҳияти ва белгилари. Шўро даврида Марксча — ленинча таълимот давлатни куқмрон синф мазлум синфни эксплуатация қилувчи — зўравонлик диктатураси деб келинди. Ҳозирги вақтда давлат зўравонлик бўлмасдан жамиятдаги барча синф, миллат ва элатларнинг ва миллий белгилари — диний, касби ва бошқа ижтимоий чиқишидан қатъий назар, уларнинг манфаатларини ифодалайди.

Давлатнинг моҳияти — бу жамиятдаги барча синф, сиёсий партия, табақа, гуруҳ, миллат ва элатлар учун хизмат қилишдир. Бундан чиқадиган хулоса шуки, давлат зўравонлик сиёсати бўлмасдан унинг асосий умуминсоний вазифаларини ошириш биринчи ўринга чиқди. Давлат синфий ҳокимиятини йўқотгани йўқ, у фақат иккинчи ўринга чиқди.

Давлат жамиятдаги барча кишиларнинг сиёсий уюшмасидир. Давлат ҳокимияти умуминсоний ва миллий манфаатларга асосланган сиёсий ҳокимиятдир. Бу сиёсий ҳокимият давлат аппарати ёки давлат механизми деб аталувчи — давлат идоралари (органлари) — қонун чиқарувчи орган парламент, ижро этувчи орган — қуқумат, қурулли қуқлар, полиция, миллий хавфсизлик ва ҳуқуқни муқофаза қилувчи идоралар — суд, прокуратура ва ички ишлар идоралари орқали амалга оширади.

Давлат жамият устқурмасининг сиёсат, дин, фалсафа ва бошқалари билан узвий борлиқдир. Давлат ҳуқуқ билан ҳам боғлиқдир, чунки ҳуқуқ давлатнинг олдида турган иқтисоди, сиёсий ва маданий вазифаларини амалга оширишда қурул бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқ жамиятнинг иқтисодий мустақкамлаб, турли мулк шакллари қўрқлайди. Ҳуқуқ кишиларнинг ғоявий жиҳатдан тарбиялаб, ижтимоий онгни шаклларида санъат, дин, фалсафа, ахлоқ ва бошқалар билан боғлиқ бўлиб, аҳолини маънавий жиҳатдан тарбиялайди.

Давлат сиёсий вазифаларни бажарувчи жамиятдаги бошқа муассасалар ва ташкилотлар (сиёсий партиялар, қасаба уюшмалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари билан боғлиқ ва улардан фарқ қилади).

2. Жамият сиёсий тизимида давлатнинг ўрни. Жамиятнинг сиёсий тизими бу давлат органлари, муассасалари, қорхоналар, турли сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари, миллий жамоалари ва ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир.

Давлат жамиятнинг сиёсий тизими ичида асосий ўринни эгаллайди. У махсус зўрлик ҳокимиятига эга бўлган сиёсий ташкилот бўлиб, унинг ҳудудидаги барча фуқароларга давлат тилида иш олиб бориб, сиёсий ҳуқмронлигини ўрнатади. Давлат зўрлик қуқи билан мустақил ҳолда ички ва ташқи соҳада вазифаларни амалга оширади.

Давлат жамиятнинг бошқа сиёсий ташкилотларидан қўйидаги белгилари билан фарқ қилади.

1. Давлат жамиятдаги барча синф, миллат, элат ва табақаларнинг сиёсий ташкилотидир. Аммо давлат уларнинг ягона сиёсий ташкилоти эмас. Жамиятда давлатдан танқари турли сиёсий партиялар, қасаба уюшмалари, бирлашмалар мавжуд. Агар давлат жамиятдаги кишиларнинг сиёсий ташкилоти бўлса, бошқа ташкилотлар айрим гуруҳларни касби, диний қараши, сиёсий — ижтимоий қарашлари бўйича бирлаштиради ва уларга хизмат қилади.

2. Давлат аҳолини маъмурий — ҳудудий бирликларга бўлиб, ўз ҳокимиятини маъмурий — ҳудудий принцип асосида амалга оширади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси маъмурий — ҳудудий тузилиши жиҳатдан вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Жамиятдаги бошқа сиёсий ташкилотлар кишиларнинг турар — жойларидан қатъий назар, эътиқодига, касбига ва бошқа ижтимоий белгиларига қараб бирлаштиради. Масалан, сиёсий партиялар фуқароларни эътиқодига қараб, қасаба уюшмалари касбига қараб бирлаштиради.

3. Давлат жамиятнинг сиёсий, хўжалик ва маданий ҳаётга раҳбарлик қилувчи давлат органларига эга. Масалан, Ўзбекистонда олий давлат ҳокимият органи — Олий Мажлис, маҳаллий давлат ҳокимият органлари вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда ҳокимлар

бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашларидир. Олий ижро этувчи орган — давлат бошлиғи ва Вазирлар Маҳкамасининг раиси Президент, маҳаллий ижро этувчи орган вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларидан иборат. Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи суд, прокуратура, адлия, ички ишлар, миллий хавфсизлик органлари мавжуд. Бу органларнинг чиқарган норматив ва ҳуқуқий ҳужжатлари жамиятнинг барча аъзолари учун мажбурийдир.

4. Давлат ҳуқуқ ва ҳуқуқий нормалар қабул қилади. Буларни бажариш барча фуқаролар учун, жамиятнинг барча сиёсий ташкилотларининг аъзолари учун мажбурийдир.

5. Ҳар бир давлат ҳудудида миллий давлат тилининг мавжудлиги. Масалан, Ўзбекистон Республикаси да давлат тили ўзбек тилидир. Давлат ишлари, барча жамиятнинг сиёсий ташкилотларида давлат тилида олиб борилади.

Жамиятнинг сиёсий тизими давлат ва жамиятнинг сиёсий ташкилотлари тузулишидан иборат бўлиб, у орқали кишилар, гуруҳлар, табақалар ва жамоат бирлашмалари манфаатларини мустаҳкамлайди. Жамиятнинг сиёсий тизими — жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий кучлари каби ижтимоий ва миллий тузилишини мустаҳкамлайди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ҳозирги бозор иқтисодий сиёсатида ўтиш даврида демократия — ҳуқуқий давлат кураш экан, иқтисодий, сиёсий, маърифий ва ҳуқуқий соҳаларда турли ислохотлар ўтказиб, давлат олдида турган ички ва ташқи вазифаларни мустаҳкамламоқда. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин давлат ва сиёсий тизимга бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган бир қанча давлат органлари пайдо бўлди, Масалан, Мудофаа ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирликлари, миллий хавфсизлик хизмати, давлат солиқ ва божхона қўмитаси, давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш, қимматбаҳо металлар, фан ва техника қўмиталари, турли концернлар, холдинг, компания ва бошқалар тузилди.

Демак, жамият сиёсий тизимининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Жамиятнинг сиёсий тизими — давлат вазифаларини амалга оширишда халқнинг иқтисодий, сиёсий ва маърифий соҳаларини яхшилашга ёрдам беради.

2. Давлатнинг ички ва ташқи функцияларини амалга оширади.

3. Жамиятнинг сиёсий тизимига кирувчи барча тузилмаларни давлат, унинг органлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмаларини бирлаштириб, давлат вазифаларини амалга оширади.

3. Президент И.А.Каримовнинг асарларида давлат ва ҳуқуқ масалалари. И.А.Каримов ўзининг биринчи асари «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»да (1992) давлатга қуйидагича таъриф беради: «Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Бу мустақил демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир». Бу асарда И.А.Каримов халқ давлат ҳокимиятининг манбаи эканлигини кўрсатиб шундай дейди: «Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир. Унинг хоҳиш — иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамият фаровонлигини, Ўзбекистон барча фуқароларининг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак».

Бу асарда янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга унинг сиёсати, иқтисодий ва турмуш тарзини эркин танлаб олиш кафолатини кўрсатиб, жамиятнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларини очиқ беради. Буларни кўриб чиқамиз:

а) Сиёсий соҳада халқ манфаати учун ҳақиқий демократик принципларни қўллаш, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш; барча аҳолининг манфаатларини кафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш. Кучли ижро ҳокимияти бўлишлиги; қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботини мустаҳкамлаш, халқнинг миллатидан қатъий назар, ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилиш, турли мафқуралик, кўппартиявийлик ва бошқалар.

б) Иқтисодий соҳада кудратли иқтисодиётни барпо этиш; барча мулк шаклини ҳуқуқий тенглигини таъминлаш, иқтисодиётни ўта марказлаштиришлик ва яққақоқимликка

бардам бериш, корхона ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтириш; фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, табиатни ва экологияни қўриқлаш.

в) Ижтимоий ва маънавий соҳада инсонпарварлик ғояларига содиқлик, маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш; қадимги ва замонавий бойликларни мустақкамлаш, ўзбек тилини ривожлантириш, дин эркинлиги, аҳолининг энг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, умумий таълимни ривожлантириш.

Бу асарда И.А.Каримов оила жамият ва давлатнинг асоси деб ёзади. У бу ҳақда шундай дейди: «Оила жамиятнинг негизи, Бизнинг давлатимиз ҳам катта бир оиладир. Оила турмуш ва виждон қонунлари асосида қурилади. Оилада маънавий асосда инсон шаклланади. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гаҳаридир».

И.А.Каримов «Буюк мақсад йўлидан оришмайлик» (1993) асарида бозорга ўтиш учун ўзбек модели ҳақида кўрсатилади. Бунда у барча бозорга ўтиш жақон давлатларининг тажрибасидан ва ўзимизнинг миллий хусусиятларидан фойдаланиш миллий истқлол мафқурасини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш масалалари ёритади. Бу асарда Ўзбекистон бозорга ўтиш учун машҳур принципнинг қўйилишидир. Булар иқтисоднинг сиёсат устидан устуворлиги давлат бош ислоқотчи эканлиги, қонун устуворлиги, қучли ижтимоий сиёсат юргизиш, бозор муносабатларига босқичма—босқич ўтиш. Бу принциплар И.А.Каримовнинг 1993 йилда ёзилган «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида янада ривожлантирилди. И.А.Каримов 1995 йилда ёзган «Ўзбекистоннинг сиёсий — ижтимоий ва иқтисодий истқболнинг асосий тамойиллари» асарида демократия бош йўлимиз унинг хусусиятлари, фуқаролик жамият қуриш, масаласи қўйилди. Бунда ҳуқуқий маданиятни ва маънавиятни ривожлантиришни қўйди: «Ҳуқуқий маданият даражаси фақатгина қонунларни билиш, хабардор бўлиш эмас. У қонунларга амал қилиш ва бўйсунитидир. У — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳуқуқларини қимоя қилишитидир».

И.А.Каримовнинг 1997 йилда чиққан «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари» асарида давлат ва ҳуқуқ масалаларини янада ривожлантиришни қўйди. Ўзбек миллий давлатчилигини ва шакллантириш ва унинг мудрофаа қобилятини янада мустақкамлашни қўйди. ЎзРси мустақилликка эришгандан кейин ўзбек давлатчилигини ички ва танқи вазифаларини мустақкамлашни талаб қилади. Чунки Ўзбекистон демократия қадриятларни, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, эркин бозор иқтисодини барпо этишни танлади. Буни амалга ошириш учун эски мафқуравий тоталитар тузумни бутунлай бузиб ташлаб иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларда ислоқот ўтказиш керак.

ЎзРси суверен давлат бўлиб, 8.12.1992 йилда янги Конституцияни қабул қилди. Унда давлат тузумини, давлат қокимият органики ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини жамиятнинг ривожлантиришнинг иқтисодий негизлари ва стратегик йўналишларини қонуний белгилаб беради. Бу ҳақда И.А.Каримов: «Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик негизининг шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди» деб кўрсатилади. Бу асарда у давлатнинг мустақкамлашнинг қуйидаги масалаларини қўйди:

1. Ҳокимиятлар бўлиниш принципи асосида ташкил топган қонун чиқарувчи (Ўзбекистон Олий Мажлиси), ижро этувчи (Президент) ва суд қокимиятини янада мустақкамлаш.

2. Ўзбекистон бозор иқтисодий муносабатларига ўтиш даврида эски вазирлар ўрнида янги ижро этувчи органлар — хўжалик бирлашмалари, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, холдинг компаниялар ташкил қилинди.

3. Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг янги тизими ҳокимлар тузилди. Бунда жойлардаги ижро этувчи ҳокимият билан вакиллик ҳокимияти раҳбарлиги бирлаштирилди.

4. Маҳаллаларда ўз — ўзини бошқарадиган фуқаролар йиғини ташкил этилди. Уларнинг ролини янада ошириш керак.

5. Ўзбекистонда янги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар — миллий хавфсизлик органи, Қуролли Кучлар ташкил қилинди. Буларни янада мустаҳкамлаш керак.

6. Ўзбекистонда бошқа давлатлар билан алоқа қиладиган янги давлат органлари ташқи ишлар вазирлиги, ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки ва бошқалар ташкил қилинди. Давлатни мустаҳкамлаш учун буларнинг ролини янада ошириш қўйилди.

7. Давлатни сиёсий тизимига кирувчи барча давлат органлари но давлат ижтимоий уюшмалар ролини ошириш қўйилди.

8. Демократияни ривожлантириш ва фуқаролик жамияти асосларини ривожлантириш.

9. Коорупция ва жиноятчиликка қарши кураш ва бошқалар.

ДАВЛАТ ШАКЛЛАРИ

Режа:

1. Давлат шакллари тушунчаси
2. Давлат бошқариш шакли
3. Давлат тузилиш шакли
4. Сиёсий тартиб

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-том. Т., «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов И.А. Кучли давлат дан кучли жамият сари. Тошкент, 1999.
4. Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 1993 йил. Июнь, №290
5. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
6. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

Давлат шакллари тушунчаси. Бу бошқариш учун давлат ҳокимиятини ташкил этиш, давлат тузилиш ва сиёсий тартибни амалга ошириш усуллари дур.

Давлат шакли биринчи навбатда давлат ҳокимиятининг — маҳаллий ва олий ҳокимият органларининг тузилишидур. Давлатнинг бошқарув шакли — бу давлат ҳокимиятининг тармоққа бўлинишидур. Биринчи қонун чиқарувчи ҳокимият (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси). 2) Ижро этувчи ҳокимият (Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони ва Вазирлар Маҳкамаси). 3) Суд ҳокимияти (Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди ва Олий ҳўжалик суди).

Давлат шаклини иккинчи таркибий қисми бу давлатнинг тузилиш шаклидур. Бу жамиятнинг миллий, иқтисодий ва маданий хусусиятларига боғлиқдур. Тузилиш шакли бўйича давлатлар унитар, яъни оддий давлат тузилишига, федератив — мураккаб давлат тузилишига ва конфедератив давлат тузилиш шаклига бўлинади. Давлат тузилиш шакли — ҳар бир давлатнинг сиёсий ва маъмурий — ҳудудий -тузилишини бирлаштиради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида яшовчи барча халқнинг тарихий ва миллий хусусиятлари ҳисобга олинган унинг маъмурий — ҳудудий тузилиши вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва Қорақалпоғистон Республикасидан иборат.

Давлат шаклини учинчи таркибий қисм — бу давлат ҳокимиятининг амалга ошириш усуллари дир. Бу нуқтаи назардан жаҳондаги давлатлар икки усулга демократик сиёсий тартиб ва ғайридемократик сиёсий тартибга бўлинади.

Демак, кўрамизки, давлат шакллари уч қисмдан давлатнинг бошқариш, давлат тузилиши ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш усуллари — сиёсий тартибдан иборат дир.

2. Давлат бошқарув шакли. Бунда давлат ҳокимияти ва органларининг ташкил топиш ва тузилиш тартиби белгиланади. Жаҳондаги барча давлатлар бошқарув шаклига кўра монархия ва республикага бўлинади. Монархия сўзи юнонча бўлиб, «якка ҳокимлик» маъносини билдиради. Монархия — бу олий давлат ҳокимиятини бир шахснинг (монарх, подшо ва император) қўлида бўлади ва бу ҳокимият мерос авлоддан — авлодга қолдирилади.

Монархиянинг асосий белгилари шундан иборатки: у мустақил бўлиб давлатни якка ўзи бошқаради; ҳокимиятни муқаддас деб эълон қилади, давлатни умрбод бошқаради ва подшолик мерос қилиб авлоддан — авлодга қолдирилади.

Монархия бошқариш давлат шакли ўз навбатида иккига бўлинади. Чекланмаган — мутлоқ (абсолют) монархия ва чекланган (ёки парламентар) монархия. Монархнинг ҳокимияти бирон орган ва қонун билан чекланмаган бўлса — бу мутлоқ (абсолют) монархия. Масалан, тарихда рим қулдорлик давлати, Шарқ деспотия Миср, Хитой қулдорлик давлатлари. Ҳозирги вақтда чекланмаган монархия бошқариш давлат шакллари Иордания, Омон, Катар, Бирлашган Араб Амирлиги давлатларида мавжуд дир.

Чекланган монархияда (ёки парламентар) монархияда давлат тепасида турувчи монарх, подшонинг ҳокимияти бирон орган ёки Конституция билан чекланиб қўйилади. Масалан, Буюк Британия, Япония, Швеция, Дания, Норвегия ва бошқалар. Бу давлатларда монарх давлат бошлиғи бўлиб, «подшолик қилади, лекин давлатни бошқармайди», давлатни ҳукумат бошқаради.

Чекланган монархия давлатлари — ўз навбатида дуалистик ва парламентар монархияга бўлинади. Дуалистик монархия давлатларига Саудия Арабистони, Қувайт давлатлари киради. Бу давлатларда ҳокимият подшо билан парламент ўртасида тақсимланган. Амалда давлатни подшо бошқаради. Подшо ҳукуматни ўзи тузади, у парламентни тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Парламент монархия шаклидаги давлатларда — давлат бошлиғи монарх, қирол, қиролича, подшо, император бўлиб, амалда булар давлатни бошқармайди, уларнинг ҳуқуқи чекланган, давлатни ҳукумат бошқаради. Масалан, Англия, Япония, Бельгия, Швеция ва бошқалар. Бу давлатларда давлат бошлиғи монарх, қиролича ва императорни роли катта бўлиб, улар давлатнинг олий вакили, миллий бирлиги ҳисобланиб, давлат ишларини олиб боришда мамлакатда ва халқаро миқёсда ўрни катта дир. Уларнинг давлатни бошқаришда ҳуқуқи чекланган. Амалда давлатни ҳукумат бошқаради.

Давлат бошқарувининг республика (бу сўз юнонча бўлиб, «умумийлик» маъносини билдиради) шаклида — давлат ҳокимияти ва бошқаришнинг олий органлари маълум муддатга халқ томонидан сайлаб қўйилади. Республиканинг асосий белгилари - ҳокимият олий идораларининг сайлаб қўйилиши, давлат ҳокимият ваколатларининг тақсимланиши, қонунларнинг назорат қилувчи орган Конституциявий судлар ролини ошириш ва фуқароларнинг давлат ишларини бошқаришда кенг иштирок этиши дир.

Республика ҳозирги дунёда кенг тарқалган давлат бошқарув шакли бўлиб, ривожланган жаҳон давлатларида унинг уч кўриниши бор: Президентлик республикаси, парламентар республика ва бошқарувнинг аралаш (дуалистик) президентлик республикаси шакли. Президентлик республикаси шаклидаги давлатларга (АҚШ, Лотин Америкаси) ва бошқа бир қанча ривожланган давлатлар киради. Қонун чиқарувчи орган АҚШда конгресс бўлиб, у 2 — палатадан — вакиллар ва сенатдан иборат бўлиб, қонунларни қабул қилади. Давлат бошлиғи бўлган Президент ҳукуматнинг ҳам бошлиғи дир. Ижро ҳокимияти парламентдан мустақил ҳолда тузилади ва фақат Президентга ҳисоб беради. Ижро

ҳокимияти қонунчилик ташаббусига эга эмас. Бош вазир лавозими бу давлатларда бўлмайди. Бу давлатларда Президент билан бирга вице Президентлик лавозими мавжуд.

Парламентар республика шаклидаги давлатларда Президент фақат давлат бошлиғи бўлиб, асосий ўринни ҳукумат бошлиғи эгаллайди. Президент бевосита халқ томонидан эмас, балки сайловчилар коллегияси томонидан сайланади. Ҳукумат — министрлар кенгаши олий орган парламент томонидан тузилади ва унинг олдида жавоб беради. Масалан, бундай давлатларга Германия, Италия, Ҳиндистон, Туркия ва бошқа давлатлар киради. Бу давлатларда парламент ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми бериш ҳуқуқига эга. Унинг қабул ёки қилмаслик ҳукумат бошлиғига боғлиқ.

Бошқарувнинг аралаш (дуалистик президентлик республикаси) шакли. Бу давлатларда кучли ижроия ҳокимияти мавжуд бўлиб, Президент ҳам, давлат бошлиғи ҳам ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Уларда вице — президентлик лавозими бўлмасдан, бош вазир лавозими мавжуд бўлиб, ҳукумат қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Бундай давлатларга Франция мисол бўлади. Франция Президенти ваколатларини амалга оширишда ёрдам берувчи махсус аппаратга эгадир, Масалан, Францияда у Елисей саройи: Францияда Президент Конституция асосида миллий мустақиллик, ҳудудий бутунлик ва барча хорижий давлатлар билан тузилган халқаро шартномаларга амал қилишнинг мустақкам қафили бўлиб ҳисобланади.

3. Давлат тузилиш шакли. Бу ҳар бир давлатнинг сиёсий маъмурий — ҳудудий тузилиши, давлат олий органлари билан мақаллий органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларидир. Давлат тузилиш шакли бўйича оддий (унитар), мураккаб (федератив) ва конфедератов турларга бўлинади.

Унитар ёки оддий давлат тузилишида у маъмурий — ҳудудий қисмларга (вилоятлар, губернияларга) бўлиниб, ягона олий органга, ҳукуматга, конституцияга, фуқароликка, ўзининг ҳудудига, давлат чегарасига, ягона армияга, солиқ ва кредит сиёсатига ва қонунийлигига эга бўлади. Масалан, Англия, Франция, Италия, Ўзбекистон, Украина, Қозоғистон давлат тузилиш шакли бўйича унитар давлатдир.

Федератив давлат тузилиши — бу тенг республикалар, мухториятлар, штатлар, кантонлар, вилоятлар ва округларнинг ихтиёрий бирлашувидан иборат. Масалан, Аргентина, Бразилия, Австралия, Мексика, Германия, Ҳиндистон, Россия ва бодқалар.

Федератив давлат белгилари қуйидагилардан иборат: унинг ҳудуди субъектлар ҳудудидан иборат бўлади. Олий қонун чиқариувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти федерация миқёсида бўлади. Федерация ва унинг субъектларини ваколатлари федерация Конституциясида белгиланиб қуйилади. Федерация субъектлари ўз конституциясига олий қонун чиқарувчи ижро этувчи ва суд органларига эга. Федерациянинг олий қонун чиқарувчи органи икки табақа ва икки фуқароликдан иборат бўлади. Федерацияга кирувчи давлатлар ихтиёрий равишда марказлашган давлатни ташкил қилади. Федерацияда барча аъзолар номидан мамлакат ички ва ташқи сиёсатида ягона иш олиб боради ва уларнинг манфаатлари ҳимоя қилинади. Собиқ Совет давлати Конституция бўйича Федератив давлат эди. Унда Федератив давлат белгилари мустақкамланган эди. Амалда эса Шўро давлати марказлашган, буйруқбозлик ва партия диктатурасига асосланган унитар давлат эди.

Конфедерация бир нечта давлатларнинг муҳим — иқтисодий, муҳофаа масалалари бўйича иттифоқидир. Конфедерацияда ягона давлат ҳудуди ягона олий, идора этувчи органлари ва ягона фуқаролик бўлмайди. Ҳар бир конфедерацияга кирувчи давлат муҳим масалалар бўйича бошқариш ҳуқуқини конфедерацияга бериб, ўзининг мустақиллигини сақлаб қолди. Масалан, АҚШ 1776 — 1787 йилларда конфедерация шаклида бўлган, 1952 йилларда Миср ва Сурия давлатлари бирлашиб Бирлашган Араб Республикаси конфедерациясини тузди. Кейинчалик бу тарқалиб кетди. 1982 йилда Гамбия ва Сенагал Республикалари бирлашиб Сенегамбия конфедерациясини тузди. 1989 йилда бу

конфедерация ҳам тарқалди. Ҳозирги вақтда Европанинг 15 давлатини бирлаштирган Европа Иттифоқи конфедерациядир.

Сиёсий тартиб — бу давлат ҳокимиятининг амалга ошириш усулларининг йиғиндисидир. Бу усуллар икки хил бўлади: демократик сиёсий тартиб ва ғайридемократик сиёсий тартиб.

Демократик сиёсий тартибда давлат фуқароларнинг ҳуқуқ, ва брчларини таъминлаш, халқни турли жамоат ташкилотларига бирлаштириш, давлат ҳокимият ва бошқарув органларини халқ иштирокида сақлаш, давлатни бошқаришда кенг халқ оммасини иштирок этиши таъминланади, Масалан, Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсий тартиб бўйича демократик асосда идора этилади. Демократик тартиб асосан икки хил усулда амалга оширилади

1. Вакиллик демократия усули — бунда Ўзбекистон ҳудудида фшовчи аҳоли Олий Мажлисга вакил депутат сайлайди, давлат аҳамиятига эга бўлган, иқтисодий, сиёси ва масалаларни халқнинг вакили депутатлар сессия да муҳокама қилиб, уларни қабул қилиб давлатни идора этишда халқ ўз вакиллари орқали қатнашади.

2. Бевосита демократия — давлатни идора этишда бевосита иштирокини таъминлайди, яъни давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни ҳал этишда умумхалқ, овозига (референдум) йўли билан амалга оширилади.

Ғайридемократик сиёсий тартиб — демократик усулга қарши бўлиб, тоталитар, авторитар ва фашистик бўлади. Тоталитар тартибда давлат бошқаруви марказлашган ва буйруқбозлик асосида бўлади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари таъминланмайди, барч давлат ҳокимияти ягона диктатура қўлида бўлади. Масалан, собиқ Совет Иттифоқи марказлашган партия диктатураси асосида бошқарилган. Тоталитар давлат бўлиб, у инқирозга учради.

Авторитар тартиб — бу қонунларни амалга оширмайдиган, итоат қилган давлат тепасида турувчи бир киши подшо, монархнинг чекланмаган ҳокимиятидир.

Фашистик тартиб — бу жамиятдаги барча демократик эркинликларни тараққийпарвар кучларни бостирадиган террористик диктатурадир. Бунда жамият ҳаётининг барча соҳалари ҳарбийлаштиради. Бу ҳокимиятнинг асосий усули қирғин ва зўравонликдир. Масалан, бу тартиб XX асрнинг иккинчи ярмида Германия, Италия, Испания, Португалия, ҳарбий Африка Республикаси ва Чилида ўрнатилди.

Юқорида баён этилганлардан кўриниб турибдики, давлат уч қисмдан - давлат бошқариш, давлат тузилиши ва сиёсий тартибдан иборат. Булар ҳар бир давлатнинг иқтисодий тузилиши, жамиятдаги миллий муносабатларга қараб белгиланиб, ўзгариб, ривожланиб туради.

ДАВЛАТНИНГ АСОСИЙ ФУНКЦИЯЛАРИ

Режа:

1. Давлат функциясининг тушунчаси
2. Давлат функциясининг турлари
3. Давлат функциясининг амалда ошириш шакллари ва усуллари

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т., Тошкент, 1996
3. Каримов И.А. Ватан сажгагоҳ каби муқаддасдир. Т., 1996.
4. Ҳусанов О. Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари. 1996.
5. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
6. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

1. Давлат функциясининг тушунчаси. Давлатнинг асосий функциялари - унинг олдида турган вазифаларни амалга оширишга қаратилган давлат фаолиятининг асосий йўналишидир.

Бу тарифдан қуйидаги давлат функциясининг белгилари келиб чиқади.

1. Давлатнинг вазифаси иқтисодий, маданий, сиёсий ва бошқалар у амалга оширадиган асосий йўлни белгилайди, барча давлат фаолиятини шу вазифаларни бажаришга қаратади.

2. Давлат функцияси — унинг моҳиятида намоён бўлади. Функция орқали давлат моҳияти, унинг жамият билан муносабатлари кўринади.

3. Давлат функцияларини амалга ошириш учун функция орқали жамият бошқарилиб, у амалий аҳамиятга эга бўлади.

4. Давлатнинг вазифа ва асосий функциялари жамиятнинг иқтисодий синфий, миллий ва маданий тузилиши билан белгиланади.

5. Давлат функцияси орқали ҳар бир тарихий босқичда давлат бошқарилади. Давлатнинг асосий функциялари ички ва ташқи функцияларга бўлинади. Ички функцияда — давлатнинг ички вазифалари, ташқи функцияда эса ташқи вазифалари амалга оширилади.

6. Давлат функциясига ҳуқуқий шакллар давлатнинг ижодкорлик ва ҳуқуқни ижро этиш фаолияти киради.

7. Давлат функцияси давлатни бошқаришда ва мажбур қилиш усуллари орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон давлатининг асосий вазифаси — жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳ миллат, элат, гуруҳ, табақаларнинг манфаатларини ифодалаб, бозор иқтисодий сиёсатига ўтиб, демократик ҳуқуқий давлат қуришдир. Давлатнинг ички соҳада асосий вазифаси иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳада турли ислохотлар ўтказиб бозор иқтисодини асосини яратишдир. Ташқи вазифаси эса жаҳондаги барча давлатлар билан алоқа қилиб, давлатни ташқи соҳадаги вазифаларини амалга оширишдир. Демак, кўрамизки, давлатнинг асосий функциялари унинг ички соҳадаги иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий, сиёсий ва ташқи ҳаётини бошқаришга қаратилган фаолиятининг асосий йўналишидир.

2. Давлат функциясининг турлари. Давлат функциялари ички ва ташқи турларга бўлинади. Ички функция қанча кучли бўлса, ташқи функция шунчалик кучли бўлади. Давлатнинг ички функцияси унинг олдида турган муҳим иқтисодий, ижтимоий, маданий ва сиёсий вазифаларини амалга оширади. Иқтисодий соҳада ташаббускорлик ва ишбилармонлик асосида иқтисодни мустаҳкамлаб босқичма—босқич бозор сиёсатига ўтишда барча мулк шаклини ҳуқуқий тенглигини таъминлаш ва кўриқлаш. Иқтисодни марказлаштирмаслик, корхона ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтириш. Фуқароларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, ишсизларга ойлик бериш, иш ҳақи, пенсиялар ва

нафақаларнинг кафолатланган энг кам миқдорини жорий қилиш. Табиий бойликлардан тўғри фойдаланиш ва атроф муҳитни ҳимоя қилиш киради.

Ижтимоий ва маънавий соҳада амалга ошириладиган вазифалар — бу барча инсонпарварлик ғояларига амал қилишлик. Халқнинг маънавий ва ахлоқий поклигини тиклаш. Халқнинг миллий маданиятини бойитиш, айниқса давлат тили ўзбек тилини янада ривожлантириш. Фуқароларнинг виждон ва дин эркинлигини ривожлантириш. Ижтимоий адолат қоидаларини руёбга чиқариш, аҳолининг энг ночор қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бошқалар.

Сиёсий соҳада қуйидаги вазифаларни ҳисобга олиб, барча ижтимоий гуруҳлар, миллат ва элатларнинг манфаатларига мос келадиган Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуриш. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи, суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни яратиш, қонунийлик ва тартиботни мустаҳкамлаш. Бир мафкурадан воз кечиш, турли мафкуралар бўлишлиги, демократиянинг зарур шarti бўлган кўппартиявийликни ривожлантириш (ватан тараққиёти, социал демократик «Адолат», миллий тикланиш, халқ демократик ва фидойилар партияси). Шу вазифалардан Ўзбекистон Республикасининг ички функциялари келиб чиқади. Ички функцияга қуйидаги элементлар киради. Иқтисодий функция, маданий — маънавий тарбиявий функция, турли мулк шакллари ва мустаҳкамлаш функцияси, молия назорат функцияси, аҳолига ижтимоий ҳимоя кўрсатиш функцияси, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш функцияси, табиатни ва экологик функция, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш функцияси, фуқароларнинг ҳуқуқ, бурч ва эркинликларини таъминлаш функцияси ва давлатни идора этишда халқ оммасининг иштироки ва ошкоралик функциялари.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи вазифаларига — мамлакатни бошқа давлатнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш, тинчликни мустаҳкамлаш, турли ижтимоий тузумдаги давлатлар билан тинч — тотув яшаш, давлатни ҳарбий қудратини мустаҳкамлаш ишлари киради. Давлатнинг шу вазифаларидан ташқи функциянинг қуйидаги элементлари келиб чиқади. Турли давлатлар билан тинч — тотув яшаш функцияси, хорижий давлатлар билан ҳамкорлик қилиш функцияси, мамлакатни бошқа давлатлар ҳужумидан қўриқаш ва жаҳонда тинчликни мустаҳкамлаш ишларига фаол қатнашиш функцияларидан иборат.

3. Давлат функцияларининг амалга ошириш шакллари ва усуллари. Давлат ички ва ташқи функцияларининг қуйидаги шакллар орқали амалга ошириш: 1) ҳуқуқий нормалар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш орқали. 2) ҳуқуқий бўлмаган, яъни ташкилий шакллар орқали.

Давлат ички ва ташқи функцияларини ҳуқуқий нормалар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш орқали бажаради. Ўзбекистон бозор иқтисодига ўтиш, унинг иқтисодий базасини яратиш ва давлатнинг ички вазифаларини бажариш учун кўпгина қонунлар қабул қилинди. Чунончи, 1991 йил 19 ноябрда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида қонун, мулк қақида, банклар ва банк фаолияти тўғрисида қонун (15 ноябр 1991 йил), тадбиркорлик тўғрисида, хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида қонун (9.12.1992 йил), қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида қонун (2.9.1993 йил), чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида қонун (5.5.1994 йил) ва бошқалар.

Давлатни ташқи функциялари ҳам тегишли қонунлар қабул қилиш орқали амалга оширилади. Масалан, Ўзбекистон давлатини мудофаа қилиш вазифасини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида 4 — боб ташқи сиёсат деб белгиланган. Бундан ташқари, ЎЗСи Олий Кенгаши томонидан 1992 йил 3 июлда «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» қонун қабул қилинган. Буларга асосан армияга хизмат қилиш, ватанни қимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Давлат функциясини ҳуқуқий нормалар қабул қилиш ва уларнинг амалга ошириш шакли қуйидаги 3 та ҳуқуқий усуллардан иборат:

1. Давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлик усули, яъни қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий актларни қабул қилиб, улар орқали давлат ўз функциясини амалга оширади.

2. Ҳуқуқий нормаларни бажариш — яъни ижро этиш усули. Чунончи, Ўзбекистонда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар иш фаолиятида ҳуқуқий нормаларни бажариб, уларга амал қилиб, давлатни ички ва ташқи функцияларини бажаради. Масалан, ЎзРси Конституциясининг 15 —моддасига асосан ЎзРсининг Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади. Унда давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар, деб мустақкамлаб қўйилган.

3. Ҳуқуқий нормалар билан жамиятда кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усули. Бу усулнинг амалга оширувчи давлатни махсус ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари — суд, прокуратура, ички ишлар адлия, миллий хавфсизлик органлари мавжуд бўлиб, булар ҳуқуқий нормалар билан давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар ўртасида ижтимоий муносабатларни тартибга солиб давлат функцияларини амалга оширади.

Давлат функцияларини амалга оширишни ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган, яъни функцияларини турли йўллар билан амалга оширилади. Яъни, давлат аппарати (давлат органлари) ишини бошқаришда ва такомиллаштиришда давлатни идора этишда ошқоралик ва демократия тамойили, кенг халқ оммасини давлатни бошқаришда иштирок этиши, кадрларни танлаш ва жой —жойига қўйиш, қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни мустақкамлаш ва ҳоказолар киради.

Давлат функцияларини амалга ошириш усуллари 2 хил бўлади:

1. Ишонтириш усули — бу барча давлат фуқароларини тарбиялаш орқали давлат ишларини кишилар онгли равишда амалга оширади. Бу усулда давлат кишиларни рағбатлантиради, турли мукофотлар берилиб, амалга оширади.

2. Мажбур қилиш усулида интизомий, маъмурий, моддий жиноий ва бошқа жавобгарликлар белгиланади.

Демак, давлат функцияларининг амалга ошириш шакл ва усуллари ҳар бир даврда давлатнинг моҳияти ва ижтимоий белгилари билан белгиланади.

ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ

Режа:

1. Давлат ҳокимиятининг моҳияти ва асосий белгилари
2. Давлат ҳокимиятининг тузилиши ва унинг амалга ошириш усуллари

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида, хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1998
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида Қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993, №5.
4. Хусанов О. Ўзбекистон Республикасининг давлат органлари. 1996.
5. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
6. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

1. Давлат ҳокимиятининг моҳияти ва асосий белгилари. Давлат ҳокимияти — бу зўрликка асосланган сиёсий ҳокимият бўлиб, у жамиятда турли миллат ва гуруҳлар ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий соқаларга раҳбарлик қилишни амалга оширади. Давлат ҳокимияти бу мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у давлат ҳудудида кишилар ўртасида турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, унинг вазифаларини амалга ошириб, давлатни ички ва ташқи ҳужумлардан ҳимоя қилади. Давлат вазифаларини амалга оширишда халқнинг иродасини ҳуқуқ ва ҳуқуқий нормаларда ифодалаб, уларнинг бажарилиши барча учун умуммажбурий бўлади. Бу нормалар давлатнинг зўрлик кучи билан амалга оширилади. Жамиятда иқтисодий, сиёсий ва маданий раҳбарлик қилиш жараёни мураккаб бўлиб, давлат ҳокимияти — давлат механизми унга қиравчи — давлат аппарати (давлат органларининг йиғиндиси), қорхоналари, муассасалари орқали бошқарилади ва халқ манфаатларини ҳимоя қилади.

Давлат ҳокимияти муносабатларининг тузилиши қуйидаги элементлардан иборат: 1) давлат ҳокимиятининг субъектлари турли синфлар, миллат, гуруҳ, табақалар ва фуқаролар); 2) давлат ҳокимиятининг муносабатлари объекти (халқнинг бирлашмалари давлат органлари, ташкилот, муассаса қорхоналар), 3) давлат ҳокимиятининг муносабатларини мазмуни — субъектларни давлатни идора этишда мажбурий ва ишонтириш усуллари, орқали иштироки.

Давлат ҳокимияти сиёсий ҳокимият бўлиб, қуйидаги белгиларга эга.

1. Давлат ҳокимияти бу зўрликка асосланган бўлиб, махсус кишилар давлатни бошқариш билан шуғулланади. Бу ҳокимият кишилар ўртасида турли иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий ижтимоий муносабатларнинг амалга оширади.

2. Давлат ҳокимияти — давлат механизмидан иборат бўлиб, бу мураккаб тузилишига эга. Чунки бу механизм барча давлат органлари муассасалари ва қорхоналарни ўзида бирлаштиради. Булар бир — бири билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳокимиятни амалга ошириб, давлатнинг зўрлик кучига асосланади.

3. Давлат механизмга қиравчи таркибий қисмлар — давлат органлари муассасалари ва қорхоналари маъмурий ва ҳудудий белгиларига қараб тузилади.

4. Давлат механизмга қиравчи бу таркибий қисмлар ўз аъзоларини — яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини амалга оширади ва қаролатлайди.

Давлат ҳокимиятининг моҳияти ва хусусиятлари унинг сиёсий ва синфий моҳиятида кўринади. Шунинг учун юридик адабиётда «давлат ҳокимияти» ва «синфий ҳокимият» иборалари бир хил маънони билдиради. Давлат ҳокимияти — бу сиёсий ва синфий характерга эгадир. Унинг синфийлиги қарама — қарши синфларга бўлинган жамиятларга (қулдорлик, феодал)га ҳосдир. Давлат ҳокимияти иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳукмрон синф кўлида эди. Давлат ҳокимияти — ҳукмрон синф қулдорлар, феодаллар манфаати учун хизмат қилади,

Демократик жамиятда давлат ҳокимияти ҳукмрон синф манфаатларини ифодаламасдан, барча синф миллат, элат, табақалар ва халқ манфаатлари учун хизмат қилади.

Давлат ҳокимияти моҳиятига кўра демократик (халқ ҳокимияти) ва ғайридемократик ҳокимиятларга бўлинади. Демократик ҳокимият — бу халқнинг барча миллат, элат, табақа ва гуруҳларнинг давлат ваколатли органига депутат сайлаб, улар барча ишларни сессияда кўриб, бу ишлар орқали манфаатларини ифодалайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси — мустақил демократик ҳуқуқий давлатдир. Бу конституцияга асосан инсонпарварлик қоидаларига асосланган миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайдиган давлатдир. Ўзбекистонда демократик ҳокимият асосида бозор иқтисодига ўтилмайди. Президент

И.А.Каримов кўрсатадики, Ўзбекистонни янгиланиш ва ривожлантиришнинг ўз йўли 4 — та асосий негизга асосланади. Умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш. Инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён ва — ватанпарварлик.

Гайридемократик ҳокимият — бу озчиликнинг кўпчилик кишилар устидан кукмронлигидир. Бу ҳокимият жазолаш, мажбур қилиш органларини кучайтиради. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклайди. Масалан, собиқ Совет давлатидаги ҳокимият — партия давлат бюрократиясини ҳимоя қилди. Бу ҳокимият марказнинг танҳо кукмронлиги ва маъмурий буйруқбозлик асосида қурилди. Фуқароларни ва миллатларнинг ҳуқуқлари қўпол равишда бузилди. Булар эса бу тузумни инқирозга учрашишга олиб келди.

2. Давлат ҳокимиятининг тузилиши ва унинг амалга ошириш усуллари. Давлат ҳокимияти сиёсий ҳокимият бўлиб, унинг зўрлик кучи билан давлат механизми орқали амалга оширилиб, жамиятга раҳбарлик қилади. Давлат механизми — бу давлат аппарати — яъни давлат органлари, давлат муассасалари ва корхоналаридан иборат. Давлат аппарати — бу давлат механизмининг бир қисми бўлиб, давлат органларини йиғиндисидир, булар давлат ҳокимиятини амалга ошириш учун ҳокимият ваколатига эга.

Давлат органлари қуйидаги турларга бўлинади: 1) Олий давлат вакиллик органи — бу қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади (ЎзРнинг Олий Мажлиси). Мазҳаллий ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ва шаҳарча, қишлоқ, овуллар фуқароларнинг ўзини — ўзи бошқариш йиғинлари). 2) Давлатни ижро этувчи органлари (ЎзРси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва ҳокимиятлар). 3) Суд ҳокимияти — одил судловликни амалга оширади (ЎзРси Конституциявий суди, Олий суд, Олий хўжалик суди). 4) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар: прокуратура, ички ишлар, адлия, миллий хавфсизлик хизмати ва бошқалар.

Муассасаларга эса — олий ўқув юртлари кино — театрлар ва бошқалар киради. Корхоналар эса — маҳсулот ишлаб чиқариш учун тузилади ва давлатнинг фаолиятини мустақкамлайди. Масалан, фермер ва тадбиркорлар хўжалиги, турли фирмалар, концерналар, завод фабрикалар ва бошқалар.

Давлат органлари бир қанча белгилардан иборат. Давлат номидан унинг вазифа ва функцияларини амалга оширади. Ҳокимият ваколатига эга, бу билан давлат корхоналари ва муассасаларидан фарқ қилади. Тегишли вазифаларга, ҳуқуқ ва мажбуриятга эга. Маълум маъмурий тузилишга ва ҳудудий фаолиятга эга. Қонунга асосан ташкил топади ва ҳуқуқий акт чиқариб, ишонтириш ва мажбурлаш чораларини қўллайди.

Давлат ҳокимиятининг амалга ошириш усуллари икки хил бўлади. Ишонтириш ва мажбурлаш усуллари. Ишонтириш усулида давлат ҳокимиятини мақсади, моқияти ва функцияларини кишиларнинг онги, эрки, ахлоқи ва ғоявий тушуниши асосида олиб борилади. Бу усул жамиятдаги барча мафкуравий, ижтимоий — руҳий қарашлар ҳар бир фуқаронинг шахсий ва кўпчилик жамоа онгини ривожланиши орқали олиб борилади. Жамиятда давлат ҳокимиятини амалга ошириш учун иккита мафкура мавжуд. Биринчиси диний мафкура, бу диний таълимотга асосланади. Бунга асосан давлат ҳокимиятини амалга оширишда диний қарашларга асосланади. Иккинчиси дунёвий мафкура бу давлат ҳокимиятини амалга оширишда жамиятдаги ҳукмрон назария, урф — одат ва ахлоқий қоидаларга асосланади. Масалан, келгусида фаровон коммунистик жамият қуриш. Америка намунасидаги гуллаган капиталистик жамият қуриш ғояларни амалга ошириш учун жамиятдаги бир қисм аҳоли давлат ҳокимиятидан фойдаланмоқда.

Мажбурлаш усулида давлат манфаатини амалга ошириш мақсадида давлат ҳокимияти томонидан кишиларга моддий, руҳий ва жисмоний таъсир қилинади. Мажбурлаш усули ҳуқуқий ва ноҳуқуқий усуллар орқали амалга оширилади. Ноҳуқуқий усул — бу давлат ҳокимиятини амалга оширишда ҳуқуқий нормаларга амал қилмаслиқдир. Бу усул

нодемократик, тоталитар, деспотик сиёсий тартибдаги давлатларга хосдир. Ҳуқуқий усул давлат ҳокимиятини амалга оширишда ҳуқуқий нормаларга амал қилишликдир. Давлат ҳокимиятини амалга ошириш учун қонунийлик ва адолатни амалга оширади. Қонунийлик бузилган давлатни ҳуқуқни муқофаза қилувчи органлар ҳимоя қилади. Давлат ҳокимиятини амалга оширишнинг ҳуқуқий усули демократик сиёсий тартибдаги давлатларда қафолатланган бўлиб, бу ҳолат давлатда ҳуқуқий тизимнинг умумий тамойиллар билан, давлат ҳудудида барча фуқаролар учун ягона ва умумийлиги, давлатни зўрлик кучи орқали амалга оширилиши, тарафларга ҳуқуқ ва бурч белгилайди.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ВА УНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Режа:

1. Ҳуқуқий давлат тушунчаси ва унинг белгилари
2. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг конституциявий асослари

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон», 1997.
4. Саидов А. Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т., 1999.
5. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
6. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

1. Ҳуқуқий давлат тушунчаси ва унинг белгилари. Ҳуқуқий давлат — бу жамиятдаги барча миллат ва табақаларнинг инсонпарварлик адолатли қоидаларига асосланган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган, бюрократия ва маҳаллийчиликка қарши курашадиган ҳокимиятини шаклдир.

Ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши ва амалга оширилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлаши, давлат ва фуқароларнинг бир — бири олдида жавобгарлиги, қонунлар устунлиги тан олинishi, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар қонунларга асосан иш кўриши билан белгиланади.

Ҳуқуқий давлат қуриш Ўзбекистоннинг ижтимоий — сиёсий ҳаётига жорий этилар экан, бу ҳақдаги таълимотларнинг падо бўлиши ва ривожланишини билиш жуда муҳимдир. Давлат ҳақидаги таълимот узоқ утмишга бориб тақалади. Аммо унинг мустақил ва бир бутун сиёсий — ҳуқуқий таълимот сифатида шаклланиши XVII — XVIII асрлардаги буржуа инқилоблари, яъни феодализмнинг емирилиб, капитализмнинг пайдо бўлиши даврига тўғри келади. Ҳуқуқий давлат ҳолати дастлаб қадимги қулдорлик давлатларида Римда ва Юнонистонда антик давр олимлари Платон ва Аристотель томонидан ифода этилган.

Платон ҳуқуқий давлат ҳолати ҳақида барча давлат фуқаролари қонунларга амал қилишликларини кўрсатади. Аристотель эса бу ҳақда мамлакатда давлат қонунининг кучи бўлмаса, унинг обриси бўлмайди, деб кўрсатади.

Қадимги Шарқда ҳам кўпгина мутафаккирлар ва подшолар адолатли жамият қуриш учун қонунларга асосланиши ва бу асосда ҳуқуқий давлат қуришни таъкидлаганлар.

Бу ҳақда шарқнинг буюк файласуф олими А.Н.Фаробий шундай деди; «Чинакам қонунёрнатувчи янги қонун қабул қилаётганда унинг мамлакатдаги барча табақалар ва авлодларга, барча вилоятларнинг аҳолисига бахт — саодати келтиришини ҳисобга олади».

Буюк жақонгир Амир Темур ўз тузукларида давлатни идора қилишда ун икки қоидага асосланганлигини кўрсатади. Бу қоидалардан тўртинчисиди: — «давлат ишларини салтанат қонун — қоидаларига асосланган ҳолда бошқардим. Тўра тузукка таяниб салтанатда ўз мартаба ва мақомимни мустақкам турдим. Амирлар, вазирлар, сипоҳ, раият ҳар бири ўз лавозими ва мартабасидан мамнун ҳолда хизматимда бўлиб, ундан ортиғига даъвогарлик қила олмадим», деб кўрсатган эди. Бунда биз Темур давлатининг фақат ҳарбий диктатурага эмас, балки қонунлар асосида ҳуқуқий қоидаларга амал қилганлигини кўрамиз.

Ҳуқуқий давлат назариясининг асосчиси, немис файласуф олими И.Кантдир (1724 — 1804). У давлатнинг қокимиятлар тақсимланиши асосида бошқарувининг республика шаклини давлат бўлишлигини кўрсатади. Бу ҳақда шундай деб ёзади: «Республиканизм — ижроия ҳокимиятини қонун чиқарувчи қокимиятдан ажратишнинг давлат принциpidир. Деспотизм — давлат қонунларини ўзбошимчалик билан ижро этиш принциpidир».

Собиқ совет юридик фани 70 йил давомида ҳуқуқий давлат назариясини тан олмасдан келди. Марксча — ленинча таълимотда ҳуқуқий давлат ғояси мавжуд бўлиб, бу мамлакатда қонунчиликка барча фуқаролар амал қилишлигида берилган. Бу ҳақда К.Маркс шундай деган эди: «Ақлли қонунчи жиноят учун жазолашда мажбур бўлгандан кўра жиноятнинг олдини олиш учун барча чорани кўради».

Қонунлар ва бошқа ҳуқуқий нормаларни барча давлат фуқароларининг бажариши ҳақида «Озгина бўлсада, қонунсизлик, совет тартибини озгина бўлсада, бузишнинг ўзи меҳнаткашларнинг душманлари дарқол фойдаланадиган нуқсондир», деб кўрсатган эди В.И.Аенин.

Демак, кўрамизки, Марксча — ленинча давлат назариясида ҳуқуқий давлат ғояси қонунчиликни мустақкамлаш шаклида берилиб, унда ҳуқуқий давлат ибораси учрамайди.

1985 йилда собиқ совет давлатининг қайта қуриш ва ошкоралик даврида СССРни ҳуқуқий давлатга айлантириш масаласи қўйилади. Бу борада биринчи марта 1988 йилда КПСС XIX Бутуниттифок конференциясининг тезислари ва материалларида: «Социалистик ҳуқуқий давлатни барпо этишни ниқоясига етказиш лозим», деб берилди. Ҳуқуқий давлат масаласи кейинги КПСС Пленумлари, КПСС XXVIII съездида қўйилди, лекин амалга оширилмади.

Совет давлати инқирозга учрагандан кейин унинг таркибидаги барча республикалар мустақилликка эришиб, МДХдаги барча давлатлар янги конституцияларини қабул қилиб, ўз олдига демократик ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилиб қўйди.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлганидан кейин унинг иқтисодий, ижтимоий тараққиёти, маданий ва маънавий янгилаанишининг истиқболларини очиб берди.

Ўзбекистон — бозор иқтисодиётига ўтиб, янги ижтимоий — сиёсий тузумни яратади. Бозор иқтисодиётига ўтиш орқали барча халқнинг турмуши яхшиланади. Бунда умумжақон давлатларнинг бозорга ўтиш тажрибаси ва Ўзбекистоннинг миллий урф-одатлари, Шарқ турмуш тарзи, фалсафаси ва ислом қадриятлари ҳисобга олинади. Бу тузумга ўтиш демократик ҳуқуқий давлат орқали бўлиб, асосий вазифа қеч қандай ижтимоий ларзаларсиз, очлик, қашшоқлик кўрмасдан, кишиларга зиён етказмасдан ижтимоий — иқтисодий тараққиёт янги босқичини қуришдир.

Ҳозирги тараққиёт босқичида иккита муҳим вазифани бажариш керак. Биринчиси, иқтисодий асосда ижтимоий йўналтирилган янги давлатнинг моделини яратиш ва иккинчиси, бозорга ўтишни таъминлайдиган, янги кадрларни шакллантиришдир. Ўтиш давридаги ҳамма ислохотларни барча ходимлар ва халқ тушуниши керак.

Ўзбекистонда турли ислохотлар ўтказиб, бозорга утиш назариясиз амалга ошириб бўлмайди. Чунки назариясиз амалиёт бўлмайди. Бу назарияни мустақил Ўзбекистон давлати

ва унинг Президенти И.А.Каримов барча олимлар, мутахассислар ва амалиётчилар билан биргаликда яратмоқда.

Бу назариялар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Ўзбекистоннинг мустақиллигини жаҳон давлатлари ҳамдўстлиги ичида янада мустаҳкамлаш.

Иккинчидан, бу назария миллий мафкура яратишлигини кўрсатади. Мустақилликка қадар бизда мафкура миллий бўлиши мумкин эмас, у фақат синфий бўлади деб келинар эди.

Учинчидан, мустақилликни ҳаётнинг турли соҳасида тўла тадбиқ этиш учун яхши ишлаб турган давлат тузуми мавжуд бўлиши керак. Бозор иқтисодига ўтиш учун Республика Президенти жамиятда давлатнинг ташкилотчилик фаолиятини ошириб, уни янгилаб, такомиллаштириб қийинчиликлардан чиқиши ва ривожланишни тезлаштиради, деган концепцияни ишлаб чиқди.

Тўртинчидан, бозор иқтисодига ўтиш назарияси қотиб қолган қоида бўлмай, у доимо ҳаёт тажрибаси асосида ишланиб ва ривожланиб боради.

Бешинчидан, янги бозор иқтисодий муносабатларига ўтиш аста —секин, босқичма — босқич амалга оширилиб, аввалги инқилобий «сакраш» йўлидан бормаслик керак.

Олтинчидан, миллий давлатчилигимиз моҳиятини халқ онгига кенг тушунтиришимиз керак. Ўзбекистоннинг қолоқлик ва қарамликда қолишлигининг сабаби, аввалги мафкурага суяниб миллий давлатчилиқни, миллий хусусиятларни инкор этиб келишдадир.

Ҳуқуқий давлат — бу жамиятда яшовчи барча миллат, элатларнинг инсонпарварлик қоидаларига асосланган миллати, дини, ижтимоий ақволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Ҳуқуқий давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва ҳуқуқий асослари мавжуд. Иқтисодий асослари — бу жамиятда турли мулк шакллари мавжудлиги, тадбиркорлик ва меҳнат эркинлиги асосида бозор иқтисодиётининг мавжудлиги. Ижтимоий асослари — давлат органлари билан биргаликда турли жамоат бирлашмалари — қасаба уюшмалари, хотин —қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, турли ижодий уюшмалар, оммавий қаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмаларининг мавжудлиги ташкил қилади. Сиёсий асослари — давлатни бошқаришда демократик сиёсий тартибга амал қилади. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдир. Ҳуқуқий давлатда халқ давлат ҳокимиятининг асосий манбаи бўлиб, у ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида олиб боради. Ҳуқуқий асослари — бунда барча фуқароларнинг қонунга амал қилишлиги, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминлаб, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибнинг мустақкамлашдир.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Жамиятда ҳуқуқнинг ҳукмронлиги. Давлатга қарашли барча кишилар: давлат фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган жисмоний ва юридик шахслар, мансабдор шахслар ва барча давлат органлари ҳуқуққа амал қилиш керак,

2. Конституция ва қонунларнинг устунлиги. Қонун нормалар тизимида олий юридик кучга эга бўлиб, барча нормалар — қарорлар, фармонлар, фармойишлар қонун асосида қилинади. Бу ҳуқуқий нормаларнинг Конституцияга мослигини назорат қиладиган махсус Конституциявий суд мавжуддир.

3. Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш. Бу ҳуқуқ ва эркинликлар инсонга туғилган вақтидан пайдо бўлиб то вафот этишга қадар давом этади. Инсоннинг яшаш ҳуқуқи, эркинликка эга бўлиш ҳуқуқи, даҳлсизликка, хавфсизликка эга бўлиш ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари. Фуқароларнинг асосий эркинликлари ва бурчлари уч гуруҳга бўлиниб, булар ижтимоий — иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлар давлат томонидан амалга оширилади.

4. Давлат ва фуқаронинг ўзаро масъулияти. Давлат қонунларда шахс эркинлигининг белгилаб қўлиб, унинг амалга оширишини кафолатлайди. Давлат ва унинг органи фуқаролар олдида масъул бўлиб, ҳисобланади.

5. Ҳокимиятни бўлиниш принципига амал қилишлик. Давлат ҳокимиятига суистеъмолга йўл қўймаслик учун, ҳокимиятнинг учта тармоғини — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига ажратилади, Булар ўз ваколати бўйича иш олиб боради ва бир — бирини ишига аралашмайди.

6. Суднинг мустақиллиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органининг яхши ишлаши. Суд мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунди. Суд ишларига ҳеч кимнинг аралашшига йўл қўйилмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органилар яхши ишлаб инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишлари керак.

7. Ақолини ҳуқуқий билимини ва ҳуқуқий маданиятини ривожланиши. Жамиятда ҳуқуқий маданият юксак даражада тараққий этиб, фуқаролар ҳуқуқий онгли бўлиши керак. Ҳуқуқий онг — ҳуқуқни яхши билиш, қонун ва бошқа норматив ҳужжатларни талабини бажаришни билдиради.

9. Фуқароларнинг манфаатларини қўриқлаш, уларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш.

10. Ҳуқуқий давлат қуриш учун барча ижтимоий соҳаларда қонунларни чиқариш ва уларнинг такомиллаштириш.

Ўзбекистон суверен демократик давлат бўлиб, у бирон синф, сиёсий партия, табақа ва гурҳнинг манфаатларини бажарувчи диктатура бўлмасдан, жамиятдаги барча сиёсий партия, табақа ва гуруҳларни, миллат, элатларни ва халқнинг манфаатларини ифодалайди. Бу ҳақда Конституциянинг 13 — моддасида шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти эркинлиги, шаъни, қадр — қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади».

Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгиси — бу жамиятда қонуннинг устунлиги принцидир. Бу Конституциянинг 15 — моддасида мустаҳкамланган. Қонун устунлиги деганда Республикамизда Конституция асосида қабул қилинган қонунларнинг ҳамма норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан устун туриши тушунилади. Барча фуқаролар давлат — жамоат бирлашмалари ва бошқа корхона ходимлари қонунларни оғишмай бажариши керак.

Ҳуқуқий давлатда — Конституциянинг 56 — моддасида кўрсатилганидек, давлат ва жамият ишларини бошқариш учун Ўзбекистон Республикасида қонуний равишда қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин — кизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари ижодий ва жамоат уюшмалари, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа жамоат бирлашмаларига йўл қўйилади.

Ҳуқуқий давлат қуриш учун яқка ҳукмрон компартия мафқурасига барҳам берилди. Кўппартиявийлик, кўпчилик фикр ва ғоялар эркинлигига йўл берилди. Масалан, ҳозирги вақтда Ўзбекистонда бешта сиёсий партия мавжуд. Халқ демократик, «Адолат» социал демократик, «Ватан тараққиёти», Фидокорлар миллий демократик ва Миллий тикланиш партиялари.

Ҳуқуқий давлатнинг яна бир муҳим белгиси — давлат ҳокимиятини демократик асосда ташкил қилиш ва унинг иш юритиши учун, ҳамда ҳокимиятни суистеъмол қилмаслик учун Конституциянинг 11 — моддасида белгиланганидек Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими — ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланган.

Ҳуқуқий давлат — инсон ва фуқароларнинг асосий эркинликлари ва бурчларини халқаро нормаларга мувофиқлаштирган ҳолда амалга оширади.

Конституциянинг 117 — моддасига асосан, давлат органларига сайлов тизимини умумий, тенг, тўғридан — тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши ҳам ҳуқуқий давлат белгиларидан қисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий соҳадаги вазифалари бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, жамиятнинг иқтисодий негизини хилма—хил шаклларидаги мулк ташкил қилишлиги ҳам ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгисидир.

Демак, Ўзбекистон республикаси ёш суверен давлат бўлиб, ўзининг мустақил тараққиёт йўлига ўтиб олди. Бунда умуминсоний қадриятларни қайта тиклаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устиворлигини тан олиш асосида халқаро ва миллий давлатчилик тажрибаларидан фойдаланиб, келгусида демократик ҳуқуқий давлат барпо этади.

ҲУҚУҚНИНГ МОҲИЯТИ

Режа:

1. Ҳуқуқнинг тушунчаси ва белгилари
2. Ҳуқуқнинг асосий тамойиллари
3. Ҳуқуқнинг функциялари
4. Ҳуқуқнинг моҳияти ҳақида турли назариялар

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. Т., «Шарқ», 1998.
3. Саидов А. Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т., 1999.
4. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
5. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

1. Ҳуқуқнинг тушунчаси ва белгилари. Ҳуқуққа янгича ёндошиб, унинг моҳиятини тўғри тушуниш жуда катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Собиқ иттифоқ даврида ҳуқуқ моҳиятига коммунистик мафкура манфаатидан келиб чиқиб таъриф берилар, талқин қилинар эди. Эндиликда ҳуқуқ ва унинг моҳияти умуминсоний, табиий ва миллий белгилар асосида ўргатилади. Ҳуқуқ жамиятда инсоннинг озоддик ва адолат ғояларига асосланган кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, давлат томонидан чиқарилган бажарилиши барча кишилар учун умуммажбурий бўлган турмуш қоидаларининг йигиндисидир.

Жамиятда қуйидаги вазифаларни бажаради: кишилар ўртасида турли иқтисодий, сиёсий, маданий, маърифий ва бошқа ижтимоий муносабатларни тартибга солиди; ҳуқуқбузар шахсларга нисбатан давлат томонидан жавобгарлик белгилар экан бу билан янги

муносабатларни ҳимоя қилади: жамиятда кишилар ўртасида ҳуқ — атвор қоидаларини мустақкамлайди; умуминсоний ахлоққа қарши ҳатти — ҳаракатларни тугатишда муҳим хизмат қилади.

Юридик адабиётда ҳуқуқ икки хил маънода ишлатилади. Объектив ва субъектив ҳуқуқ. Объектив ҳуқуқ бу давлат томонидан чиқарилади. Субъектив ҳуқуқ фуқароларга тааллуқли бўлган ҳуқуқ. Масалан, фуқароларни уй — жойга, мулкка эгалик ҳуқуқи. Субъектив ҳуқуқ объектив ҳуқуққа асосланади,

Ҳуқуқнинг моҳияти — бу жамиятдаги барча синф, миллат, гуруҳларга хизмат қилади. Ҳозирги вақтда ҳуқуққа янгича ёндошилиб, унинг моҳиятини тўғри тушуниш учун у табиий ва позитив (ижобий) ҳуқуққа бўлиб ўрганилади. Табиий ҳуқуқ назариясининг асосчиси голландиялик юрист, олим Гуго Гроций бўлиб, унинг 1625 йилда ёзилган «Ҳуқуқ ҳақида уруш ва тинчлик» китобида асослаб берилган. Бу назарияга асоган табиий ҳуқуқ инсонга табиат томонидан берилган бўлиб, бунга туғилиши ва яшаш ҳуқуқи, озодлик ва тинчлик ҳуқуқи, мулкка эгалик ҳуқуқи, унинг ҳаёти ва соғлиғини жамият ва давлат томонидан қўриқлаш ҳуқуқлари қиради. Бу табиий ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини бир қанча моддаларида мустақкамланган. Масалан, яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир (24 — модда). *Ҳар* ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга (25 — модда). Хусусий мулк ва бошқа барча мулк шакллари тенг ҳуқуқли бўлиб, дахлсиз ва давлат қимоясидадир (53 — модда).

Позитив (ижобий) ҳуқуққа давлат томонидан қабул қилинган турли қонунлар, қарорлар, фармон, фармойишлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қиради.

Ҳуқуқнинг хусусиятлари унинг қуйидаги умумий ва махсус ижтимоий белгиларида кўринади. Ҳуқуқнинг умумий белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳуқуқ норматив характерга эга, яъни у жамиятда кишиларнинг яшаш қоидаларини белгилайди, ўзгартиради ва бекор қилади. Шунинг учун ҳуқуқ жамиятда кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

2. Жамиятда ҳуқуқ инсоннинг озодлик ва адолат тўғрисидаги ғояларини ўзида акс эттиради. Ижтимоий адолат тамойили ҳуқуқ соҳаларида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда турли шаклда кўринади. Масалан, меҳнат фуқаролар меҳнат қилиб, унинг сони ва сифатига қараб иш ҳақи олишлиги. Фуқаролик ҳуқуқида етказилган моддий зарарни ундирилиши. Ижтимоий таъминот ҳуқуқида — фуқаролар меҳнат стажи ва ойлик иш ҳақида қараб пенсия олишлик.

3. Ҳуқуқ давлат томонидан чиқарилади ва унинг бажарилиши давлатнинг зўрлик кучи билан амалга оширилади.

4. Ҳуқуқ жамиятда кишиларнинг турмуш қоидаларини тартибга солади. Ҳуқуқнинг бу хусусияти фуқароларни ҳаётни барча соҳаларида тенглик ва озодликни таъминлайди.

Ҳуқуқнинг махсус белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Ҳуқуқ кишилар иродасининг қонунда кўтарилган эркидир. Бу эрқда уларнинг турмушини барча жабҳасидаги фаолияти, яъни иқтисодий, сиёсий, маданий ва маърифий соҳалари ҳуқуқ орқали тартибга солиниб мустақкамланади.

2. Ҳуқуқ ёзма равишда қонунлар, қарорлар, фармонлар ва норматив ҳуқуқий ҳужжатлар шаклида давлат томонидан белгиланиб қўйилади.

3. Ҳуқуқни ёзма равишда тартиб билан жойлаштирилиши. Давлат конституцияси, турли кодекслар, қонунлар тўплами ва бошқалар.

4. Ҳуқуқнинг динамикаси — яъни давлатни вазифасига қараб, унинг ўзгариб туриши. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган вақтда иқтисодий, сиёсий, маърифий соҳаларда ислохотлар ўтказилаётган вақтда эски ҳуқуқий нормалар бекор қилиниб, янгилари қабул қилинди.

2. Ҳуқуқнинг асосий тамойиллари. Бу қуйидагилардан иборат:

1. Ҳуқуқ барча халқнинг ҳокимиятини мустаҳкамлайди. Бу тамойил Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 7 — моддасида белгиланган бўлиб, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан — бир манбаидир. Ўзбекистонда давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Республика Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар қонуний ваколат берган органлар томонидан амалга оширилади.

2. Мулкнинг турли шакллариликни қўриқлаш ва мустаҳкамлаш. Конституциянинг 53 — моддасига биноан: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма — хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқ жиҳатдан баб - баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди» .

3. Демократия тамойили. Ҳуқуқ жамиятдаги барча кишиларнинг иродасини ифодалайди. Ҳуқуқий нормаларни муҳокама қилиб қабул қилиш ва қўллашда барча Ўзбекистонда яшайдиган халқ уларнинг касби, жинси ва миллатидан қатъий назар, тенг қатнашади.

4. Ҳуқуқнинг байналминал тамойили. Бу тамойил демократик Ўзбекистоннинг моҳиятидан, унинг сиёсий тизимидан байналминалликдан, барча фуқароларнинг қонун билан тенглигидан келиб чиқади. Конституциянинг 18 -моддасига биноан барча фуқароларнинг насл-насабидан, ижтимоии ва мулкӣ ҳолатидан, ирки ва миллатидан, тили, дини, касби, яшаш жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъий назар, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг соҳаларида тенг ҳуқуқлигини таъминлайди.

5. Қонунийлик ва унинг устунлиги ҳам ҳуқуқнинг муҳим тамойилларидир. Конституциянинг 15 моддасига биноан: «Ўзбекистон Республикасида унинг Конституцияси ва қонунларнинг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш куради».

6. Ҳуқуқнинг инсонпарвалик тамойили. Ўзбекистонда барча нормалари ҳар бир инсон тўғрисида, унинг саломатлиги, моддий фаровонлиги ва оиласи тўғрисида ғамхўрлик қилади. Бу тамойил ҳуқуқбузарларга жазо қўллаш, уларни тарбиялаш ва тузатиш ишларини ўз ичига олади.

3. Ҳуқуқнинг функциялари. Бу унинг вазифаларидан келиб чиқиб ҳуқуқнинг вазифаси давлатнинг иқтисодий, маданий ва мафкуравий вазифаларини амалга оширади.

Ҳуқуқнинг функциялари статистик (мустаҳкамловчи), динамик (ривожлантирувчи), қўриқловчи (негатив) ва тарбиявий функцияларга бўлинади. Статистик функцияда ҳуқуқ кишилар ўртасидаги турли ижтимоии муносабатларни тартибга солиб мустаҳкамлайди, Масалан, кишилар ўртасидаги қарз ва олди — сотди шартномаларини тартибга солиниши. Ҳуқуқ кишилар ўртасидаги ижтимоии муносабатларни ривожлантириб тартибга солса, бу ҳуқуқнинг динамик функцияси бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси меҳнат кодексининг 259 — моддасига асосан меҳнат низоларининг ҳал қилиниши, Ҳуқуқ кишилар ўртасидаги турли ижтимоии муносабатларни ҳимоя қилса — бу қўриқловчи (негатив) функцияси бўлади.

Турли ҳуқуқбузарларнинг жамият учун моддий ва маънавий оқибатларига қараб, интизомий, фуқаролик, жиноий ва бошқа жазо чоралари белгиланган. Булардан ташқари ҳуқуқ тарбиявий функцияга эга. Ҳуқуқ кишиларга ғоявий таъсир кўрсатиб, уларнинг жамият учун зарарли бўлган ҳаракат ва ҳаракатсизликлар талаб қилади. Агар фуқаролар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилса, уларга жазо чоралари белгилаб уларни тарбиялайди.

4. Ҳуқуқнинг моҳияти ҳақида турли назариялар. Булардан табиий ҳуқуқ назариясини юқорида кўриб ўтдик. Яна бири бу теологик назария. Унинг вакиллари Аристотель, Аквинский ва бонқалар. Бу таълимот ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва моҳиятини худога боғлаб

илоқийлаштиради. Ҳуқуқ фуқароларга ҳудо томонидан берилган у абадий унинг бажарилиши барча кишилар учун мажбурийдир деб юритила тушунтирилади. Реалистик ҳуқуқ мактаби. Унинг вакиллари немис олими Р.Иеринг, рус олими Д.А.Муромцев, АҚШ олимлари Д.Франк ва бошқалар. Бу назария ҳуқуқ давлат томонидан қабул қилинган ва барча учун умумажбурий бўлган турмуш қоидалар йиғиндиси деб курсатган.

Психологик мактаби. Унинг вакиллари Немис олими Л.Кнапп, франциялик Г.Тард, рус олимлари Л.Петражицкий ва Каркунов бўлган. Бу таълимот ҳуқуқнинг пайдо бўлиши ва моҳиятини инсоннинг психологиясига боғлайди. Улар ҳуқуқ бу кишиларнинг кечинмалари ва ҳиссиётлар маҳуслидан иборат дейди.

Марксча - ленинча ҳуқуқнинг синфий назарияси материалистик таълимотга асосан ибтидоий жамоа тузумининг емирилиши билан хусусий мулк пайдо бўлиб, жамият синфларга бўлиниши сабабли ҳуқуқ пайдо бўлган ҳукмрон синф иродасининг қонун даражасига кўтарилган эрки бўлиб, унинг мазмуни жамиятнинг моддий ҳаёти билан белгиланади деб қарайди.

Демак, ҳуқуқнинг моҳияти соҳасида турли назариялар мавжуд бўлиб, у ҳуқуқнинг моҳиятини турлича талқин қилади. Ҳуқуқ жамиятда кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни ҳимоя қилади ва ривожлантиради. Айниқса, қозирги вақтда Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтаётган шароитда кишилар ўртасидаги турли иқтисодий, сиёсий, маданий ва мафкуравий муносабатларни тартибга солувчи муҳим воситадир.

ҲУҚУҚИЙ ОНГ

Режа:

1. Ҳуқуқий онг ва унинг тузилиши
2. Ҳуқуқий онгни ривожлантиришда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбиянинг ўрни

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов И.А. Ўз келажагизми ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. Т., «Ўзбекистон», 1999.
3. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т., Тошкент, 1997.
4. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
5. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

1. Ҳуқуқий онг ва унинг тузилиши. Ҳуқуқий онг — бу жамиятда кишиларнинг ҳуқуқ тўғрисидаги қарашларидир, чунки ҳуқуқий нормалар жамиятнинг иқтисодий, сиёсий

ва маданий ҳаётида кишилар ўртасида турли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим рол ўйнайди. Ҳуқуқ нормалари билан ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий онг, яъни кишиларнинг ҳуқуқни билишлиги, ҳуқуқ нормаларни бажаришлиги катта аҳамиятга эгадир. Ҳуқуқий онг жамиятда ижтимоий онгни бошқа онг шаклларида фалсафа, сиёсат, дин, ахлоқан фарқ қилади.

Ҳуқуқий онг жамиятда ижтимоий онгнинг махсус шакли бўлиб ҳисобланади, чунки ҳуқуқий онг кенг тушунча бўлиб, жамиятда ҳуқуқий нормаларни қабул қилиш, уларни турмушда қўллаш, ҳуқуқ тўғрисида билимларнинг, яъни ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбия тўғрисидаги мураккаб ижтимоий вазифаларни ўз ичига олади.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқ билан узвий равишда борлиқ. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқнинг муносабатлари унинг куйидаги хусусиятларида намоён бўлади.

— жамиятда ҳуқуқий онг қонун ва бошқа ҳуқуқ нормаларни қабул қилишда турли ғояларни ривожлантиришда, уларни қабул қилишда муҳим роль ўйнайди.

— жамиятда ҳуқуқий онг барча фуқароларнинг, давлат органларини, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар суд, прокуратура, ички ишлар органлари, миллий хавфсизлик хизмати, адлия органлари ва мансабдор шахсларни ҳуқуқни тўғри ҳаётда қўллаш учун улар билан турли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга.

— жамиятда ҳуқуқий онг амалдаги давлатнинг ҳаракатда бўлган ҳуқуқий нормаларини тартибга солишда, кодификация қилишда муҳим рол ўйнайди.

— жамиятда ҳуқуқий онг бошқа ижтимоий шаклларида ҳуқуқ, мажбурият, бурч, ҳуқуқбузарлик ва қўлланиладиган жазо чоралари билан фарқ қилади.

Ҳуқуқий онг давлатнинг ҳуқуқий нормаларини қабул қилиш, ҳуқуқий ташаббускорлик фаолиятини амалга оширишда, ҳуқуқий нормаларни турмушда қўллашда улар билан кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда катта аҳамиятга эга. Чунки давлат миқёсида ҳар қандай қонун ва бошқа ҳуқуқий нормалар қабул қилишдан олдин ҳуқуқшунос мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилади. Шунинг учун ҳуқуқшунослар қанчалик сиёсат ва амалиётни яхши билса, қабул қилинадиган ҳуқуқ нормалари шунчалик мустақкам бўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, фуқароларнинг ҳуқуқий онглиги натижасида ҳуқуқшунос мутахассис олимларнинг ишлаши натижасида бозор иқтисодиётининг иқтисодий ҳуқуқий асосини яратувчи кўпгина қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида бир қанча Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик, жиноят, меънат, маъмурий ва бошқа кодекслари қабул қилинди.

Ҳуқуқий онг ҳуқуқ тўғрисидаги кишиларнинг қарашларини ўргатар экан, у ўзининг тузилишига эгадир, яъни мафкура ва ҳуқуқий психологиядан иборат.

Ҳуқуқий мафкура деганда, жамиятдаги турли синфларнинг табақа, миллат ва элатларнинг ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлари тушунилади. Жамиятда қабул қилинадиган давлатнинг асосий қонуни Конституция ва бошқа қонунлар, ҳуқуқий нормалар жамиятдаги ҳукмрон синф, миллат ва элат манфаати нуктаи назаридан қабул қилинади. Ҳуқуқий мафкура ҳар бир давлатда ташқари, ҳуқуқшунослик фанларни ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқий психология деб жамиятда ҳар бир кишининг тўғрисида қарашлари, билимлари тушунилади. Психологиянинг пайдо бўлишида ва ривожланишида жамиятдаги барча ижтимоий гуруҳлар ва кишилар қатнашади. Мана шунинг учун ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психология бир — бири билан ўзаро алоқадордир. Ҳуқуқий мафкура ва ҳуқуқий психология ижтимоий ҳодисаларнинг жуда мураккаб шакли бўлган моҳиятини очиб беради.

Жамиятда ҳуқуқий онгни ривожлантиришда, нормаларни қабул қилишда ҳуқуқий мафкура асосий қал қилувчи рол ўйнайди. Чунки ҳуқуқий мафкура жамиятдаги ҳуқуқий устқурманинг мавжудлигини, талабга жавоб беришини, нормаларнинг кишилар ўртасидаги

турли ижтимои муносабатларни тартибга солиб мустақкамлашга ва ривожлантиришга катта ёрдам беради.

Ҳуқуқий психология ҳуқуқий мафкуранинг таъминлаб турувчи асосий озуқадир. Чунки ҳуқуқий психология тўғрисида алоҳида шахсларни ва жамоатчиликнинг онгидан ташкил топган. Жамоатчилик ҳуқуқий онги шахси фуқароларнинг ҳуқуқий онгидан иборат.

2. Ҳуқуқий онгни ривожлантиришда ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий тарбиянинг роли. Ҳуқуқий маданият кишиларнинг тўғрисидаги билимга қонунга бўлган ҳурмати нормаларнинг бажариши, уларга амал қилмаганда ҳуқуқбузарликлар содир қилинса, тегишли жазо чоралари олишига айтилади.

Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлатни шакллантириш жамият, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг маданиятини оширишни талаб қилади. Шунинг учун ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси — бу ҳуқуқий маданиятдир. Ўзбекистонда бозор иқтисодига ўтиш учун турли демократик ислохотларни ўтказишни талаб қилади. Бу эса фуқароларнинг онги ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантиришни талаб қилади, ҳуқуқий маданият бу умуминсоний маданиятнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади. Ҳуқуқий маданиятда кишилар қанчалик маданиятли бўлса, шунчалик ҳуқуқ нормалари қонунларни билса, юридик адабиётларни билиб уларга амал шунчалик ҳуқуқ бузилиши кам бўлади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасида кишиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга катта эътибор берилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Парламенти — Олий Мажлисининг IX сессияси жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тўғрисида миллий дастур қабул қилинди.

Юқоридагилардан ташқари, ҳуқуқий онгни ривожлантириш учун мамлакатда аҳолини ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида демократик давлат қуришда, қонунчиликни мустақкамлаш учун турли ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ислохотлар ўтказиш учун аҳолини ҳуқуқий жиҳатдан тарбиялаш ва ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш муҳим рол ўйнайди. Шунинг учун ҳукуматимиз томонидан ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, ҳуқуқшунос кадрларни тарбиялаш ва жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида махсус фармонлар қабул қилинди. Бу фармонларда республика миқёсида аҳолини ҳуқуқий тарбиялаш ва маданиятини ошириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири деб белгиланди. Шу фармонга асосан республика миқёсида ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш учун ТошДЮИ ҳузурида ҳуқуқий маърифат маркази тузилди. Бу марказнинг бўлимлари Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида, вилоятлар ва Тошкент ҳокимликлари адлия бошқармалари ҳузурида унинг бўлимлари ташкил қилинди. Марказнинг вазифалари белгиланиб мамлакатда ҳуқуқий таълим, тарбия ва ҳуқуқий маданиятга эътибор бериб, аҳолининг онгини ривожлантириш масалалари қўйилди.

Хулоса қилиб, шуни айтиш мумкинки, аҳолининг онги — ҳуқуқий психология ҳуқуқий мафкурадан орқада қолаётганлиги мавжуд. Бунинг учун аҳолининг ҳуқуқий таълим ва тарбиясига эътибор бериб, ҳуқуқий онгни ривожлантириш керак.

ҲУҚУҚ ИЖОДКОРЛИГИ

Режа:

1. Ҳуқуқ ижодкорлиги тушунчаси.
2. Қонун қабул қилиш босқичлари
3. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг вақт, ҳудуд ва шахсга нисбатан ҳаракат қилиши.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. Т., «Шарқ», 1998.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарорлик тараққиёт йўлида. Т.,6. Тошкент, 1997.
4. Саидов А. Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т., 1999.
5. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
6. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

Ҳуқуқ ижодкорлиги тушунчаси. Жамиятда ҳуқуқ нормаларини яратилиши, давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлик ёки ҳуқуқий ташаббускорлик фаолияти орқали амалга оширилади. Давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти — бу нормаларини яратиш, ўзгартириш ва бекор қилишга қаратилган фаолиятдир. Бу фаолият натижасида яратган ҳуқуқ нормалари турли норматив ҳуқуқий қужжатларда — қонун, фармон фармойиш ва бошқаларда ифодаланади. Норматив ҳужжатларни қабул қилиш — яъни ҳуқуқий нормаларни яратиш қуйидаги 2 — босқичдан иборат.

Биринчи босқич — норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиқасини тайёрлаш: а) шу қужжатни лойиқасини тайёрлап учун қарор қабул қилиш; б) лойиҳани тайёрлаш; в) муҳокама қилиш; г) лойиҳани камчиликларини тузатиш; лойиҳани қайта ишлаш.

Иккинчи босқич — норматив ҳуқуқий қужжатларни нашр этиш: а) лойиҳани ташаббускор давлат органларига муҳокама учун киритиш; б) лойиҳани ташаббускор органга муҳокама қилиш; в) норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш; г) уни халққа эълон қилиш (нашр этиш).

Давлат ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятида норматив қужжатларнинг лойиқасини тайёрлаш, халқ ўртасида муҳокама қилиш ва қабул қилиб нашр этиш муҳим масаладир. Ўзбекистонда бу иш билан Республика қонун чиқарувчи олий органи — Олий Мажлис, давлат бошлиғи — Президент, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа давлат органлари шуғулланади. Жумладан, ЎзРси Олий Кенгашининг XII — чақириқ XI сессиясида 1992 йил 8 декабрда Мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси қабул қилинди. Шу кун Олий Кенгаш Раёсати махсус қарор билан Республика қонунларини Конституцияга мослаштириш ишларини белгилаб берди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон давлатининг ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятини ривожлантиришда катта эътибор берилмоқда. Бу фаолият қуйидаги йўналишлардан бормоқда: 1) Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси асосида қонунларини, соҳаларини ва кодексларни янгилаш; 2) мустақиллик билан боғлиқ бўлган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни қабул қилиш ва уларни нашр қилиш; 3) амалдаги норматив ҳуқуқий қужжатларнинг бажарилишини таъминлаш; 4) уларнинг бузилишини олдини олиш ва бузилганда белгиланган жазо чораларини қўллаш.

Ҳуқуқ ижодкорлигининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Давлат органларининг ҳуқуқ яратиш ижодкорлиги. Конституцияга асосан барча давлат органлари ўз ваколати доирасида ҳуқуқ ижодкорлигига эга бўлиб, улар турли норматив ҳужжатлар қабул қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 83 — моддасига асосан Олий Мажлис қонунлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилади. Олий Мажлиснинг Раиси фармойишлар чиқаради. Мақаллий давлат ҳокимият вакиллик органлари жойларда — виилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилиқ қиладиган халқ Депутатлари Кенгашлари қарор ва фармойишлар, ҳокимлар эса қарорлар чиқаради.

2. Жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқ яратиш ижодкорлиги. Булар ҳам ўз ваколати доирасида ҳуқуқ ижодкорлигига эга бўлиб, тегишли норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси қасаба утума федерацияси, Республика ёшлар иттифоқи билан биргаликда қўшма қарорлар қабул қилади.

3. Бевосита халқнинг ҳуқуқ яратиш ижодкорлиги. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини 9 — моддасига асосан жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари муҳокамасига тақдим этилади (умумий овозга референ қўйилади). Бунинг ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади. Референдум халқнинг ҳуқуқ яратиш ижодкорлиги бўлиб, унинг натижасида тегишли ҳуқуқий нормалар қабул қилинади. Ўзбекистонда кейинги референдум Олий Мажлис ташаббуси билан Президент И.А.Каримов муддатини 1997 йилдан 2000 йилгача узайтириш тўғрисида ўтказилди. Ўзбекистон яқдиллик билан бу ташаббусни қўллаб овоз берди.

Демак давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлик фаолияти бўлиб, унда амалдаги қонунларни ва бошқа норматив ҳужжатларни янгилаш, нашр этиш, эскирган нормаларининг бекор қилиш, ҳуқуқдаги камчиликларни тўлдириб, жамиятда кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиш учун хизмат қилади.

2. Қонун қабул қилиш босқичлари. Давлатни ижодкорлик фаолиятини асосини қонунларни қабул қилиш тартиби ташкил қилади. Чунки қонунлар барча норматив ҳужжатлар ичида биринчи ўринда туради. Шунинг учун қонунлар махсус тартибда қабул қилинади. Қонунни қабул жараёни қуйидаги 4- та босқичдан иборат:

1. Қонун чиқариш ташаббсқорлиги — бу давлат органлари, жамоат бирлашмалари ёки фуқароларнинг давлатни олий қонун чиқарувчи органига янги қонун чиқаришга, амалдаги тўлдириш ёки бекор қилиш ҳақида киритган таклифидир. Бу таклиф қонун чиқарувчи олий орган томонидан қабул қилиш ва қилмаслиги муҳокама қилинади. ЎЗРни Конституциясининг 82 — моддасига асосан Олий Мажлисга қонун лойиҳаларини таклиф қилиш қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига ЎЗРнинг Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий органи Қорақалпоғистон Республикаси, Олий Мажлиспинг депутатлари, Республика Вазирлар Маҳкамаси, Республика Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурори эгадирлар.

2. Қонун лойиҳасини муҳокама қилиш. Бу икки хил бўлади. Биринчиси, энг муҳим масалалар бўйича қонун лойиҳаси халқ муҳокамасига (референдумга) қўйилади. Иккинчиси, қонун лойиҳасини олий қонун чиқарувчи орган — ЎЗРнинг Олий Мажлисини сессиясида муҳокама қилинади.

3. Қонунни қабул қилиш босқичи. Қонун лойиҳасини маъқуллаб, Олий Мажлис депутатларининг кўпчилиги овоз берса, қонун қабул қилинади.

4. Қонунни матбуотда эълон қилиш босқичи қонун қабул қилингандан кейин, унинг матбуотда ёки ЎЗРси Олий Мажлисининг Ахборотномасида тегишли масъул шахсларнинг имзоси билан эълон қилинади. ЎЗРсининг Олий Мажлисида қабул қилинган қонунлар, Олий Мажлис раисини имзоси билан ёки муҳим қонунлар Президентнинг имзоси билан ўзбек ва рус тилида эълон қилинади.

3. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг вақт, ҳудуд ва шахсга нисбатан ҳаракат қилиши. Давлат норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилгандан кейин, унинг турмушга қўллашни муҳим талабларидан бири уларнинг ҳаракат доирасини белгилашдир. Бу эса уларнинг вақт, ҳудуд ва шахсга қараб, ҳаракат доирасини белгилайди. Уларнинг кучга киритиш ва ҳаракат доирасини белгилаш махсус қарорлар билан кўрсатилади. Бунда норматив ҳужжатларнинг вақт бўйича ҳаракатда бўлиши, қабул қилинган қонун ва қачон ўз кучини йўқотиш вақти белгиланади. ЎЗРсида қабул қилинган қонун ва бошқа норматив ҳужжатларни вақт бўйича кучга кириши қуйидаги тартиби белгиланган: 1) ЎЗРсининг қонунлари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси»да, газета, телевидение ва радиога эълон қилинганидан кейин 10 кундан сўнг Ўзбекистон ҳудудида кучга қиради. 2) агар уларнинг

матнида ёки махсус: қарор билан кучга киритиш муддати кўрсатилган бўлса, шу кўрсатилган вақтдан бошлаб кучга киради. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши 1992 йил 14 январда «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» қонун қабул қилди. Олий кенгаш шу кунга махсус қарор чиқариб, бу қонун матбуотда эълон қилинган вақтдан бошлаб, кучга киради, деб курсатади. 3) ЎЗРнинг Олий Мажлисининг қабул қилинган қарорлари Президент фармонлари, фармойишлари ва қарорлари матбуотда эълон қилинмасдан, улар амал қилиши лозим бўлган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва тегишли шахсларга юборилса, бу ҳолда улар олган вақтдан бошлаб кучга киради. 4) ЎЗСи Вазирлар Мақамасининг қабул қилган қарор ва фармойишлари, вазирликлар, давлат қўмиталарининг буйруқ, қўлланмалари йўриқномалари, низомларининг кучга кириш муддати, агар уларнинг матнида кўрсатилган бўлса, шу кўрсатилган муддатдан кучга киради. Агар корхона, муассаса ва ташкилотларга юборилган бўлса, улар олган вақтдан кучга киради. 5) маҳаллий ҳокимият органлари — вилоят, шаҳар ва туман Халқ Депутатлари Кенгашларининг қарор ва фармойишлари, уларнинг бошқарадиган ҳокимларнинг қарорлари қабул қилингандан кейин уларнинг матнида кучга кириши кўрсатилган бўлса, шу кўрсатилган вақтдан, кўрсатилган бўлмаса, тегишли идоралар бу ҳужжатларни олгандан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ҳудуд бўйича ҳаракат қилиши уларнинг шу давлат ҳудудида ҳаракат доирасини белгилайди. ЎЗРсининг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари унинг барча ҳудудида — қишлоқда, сувда ва фазода ҳаракат қилади. Маҳаллий ҳокимият органларнинг норматив ҳуқуқий ҳужжатлари, тегишли туман, шаҳар ва вилоятларнинг ҳудудида ҳаракат қилади,

Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг шахсга жисмоний шахс фуқаролар ва юридик шахсга нисбатан ҳаракатда бўлишининг асосий талаби давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан ҳаракат доирасини белгилайди. Ўзбекистон қонунлари ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлари унинг ҳудудидаги барча фуқароларга, давлат зўрачларига, жамоат бирлашмаларига Ўзбекистон фуқароси бўлмаган Республикада яшайдиган чет эл фуқароларига нисбатан ҳаракатда бўлади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган чет эл фуқароларини қонунларга амал қилиши, шу чет давлатлар билан тузилган шартномаларга асосан амалга оширилади. Бу кўрсатилган умумий қоидалардан айрим истиснолар бор. Масалан, Ўзбекистон Республикасида яшайдиган чет эл фуқаролари судга мажбурий тартибда кўргазма бериш учун келтирилган бўлса, аммо у дипломатик дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланса улар дипломатик йўл билан ҳал қилинади. Ўзбекистонда яшовчи барча чет эл фуқаролари, дипломатик дахлсизликдан фойдаланувчи шахслардан ташқари, содир этилган жинояти учун республика жиноят кодексига асосан жиноий жавобгарликка тортилади. Чет эл ҳудудида жиноят қилган Ўзбекистон фуқароси шу чет элнинг тегишли қонунларига биноан жавобгарликка тортилади.

ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИ

Режа:

1. Ҳуқуқ нормаларининг тушунчаси, белгилари ва тузилиши.
2. Ҳуқуқ нормаларининг турлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2-том. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Саидов А. Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т., 1999.
4. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
5. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

1. Ҳуқуқ нормаларининг тушунчаси, белгилари ва тузилиши.

Ҳуқуқ нормалари (норма сузи ~ лотинча булиб, узбекча қоидадир). Ҳар бир давлатнинг ҳуқуқ тизими нормаларидан, ҳуқуқ институтларидан ва иборат.

Ҳуқуқ нормалари — бу давлат томонидан бажарилиши барча кишилар учун мажбурий бўлган, кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларнинг тартибга солувчи қоидалар йиғиндиси. Ҳуқуқ нормалари табиий ҳуқуқ ва позитив ҳуқуқлардан иборат. Табиий ҳуқуқ инсонга табиат томонидан берилади. Масалан, инсоннинг яшаш эркинлик ва шахсий дахилсизлик ҳуқуқлари. Позитив ҳуқуқ эса давлат томонидан қабул қилинади. Ҳуқуқ нормаси бу алоҳида олинган турмуш қоидасидир. Масалан, ЎзРсида ҳуқуқнинг асосини ЎзРнинг Конституцияси ташкил этади. Конституциянинг ҳар бир алоҳида олинган ҳуқуқий нормадир. Нормаларининг белгилари қуйидагилардан иборат: 1) нормалари давлат томонидан ўрнатилади ва барча халқларнинг қонуний иродасини ифодалайди; 2) унинг мазмуни жамиятнинг иқтисодий тузилиши билан белгиланади; 3) уларнинг бажарилиши барча кишилар учун умуммажбурийдир; 4) давлатнинг зўрлик кучи билан амалга оширилади; 5) кишилар ўртасида турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади; 6) фуқароларга ҳуқуқ ва бурч белгилайди; 7) узоқ муддат қўлланилади ва талабга жавоб бермаса давлат ваколатли органлари томонидан бекор қилинади; 8) ваколат берувчи, мажбур этувчи ва тўлдирувчи характерда бўлишлиги; 9) тизимида қонунлар, фармонлар ва фармойишлар, қарорлар ва бошқа шаклда фақат ёзма ҳолда қабул қилинади; 10) нормалари бир бири билан узвий борлиқ бўлиб, давлатнинг ягона тизимини ташкил қилади; 11) давлат томонидан қабул қилинади ва қўриқланади; ҳуқуқбузарлик оқибатига қараб турли жазо чоралари қўлланилади.

Ҳуқуқий норманинг тузилиши 3— қисмдан: гипотеза, диспозиция санкциядан иборатдир. Гипотеза (грекча-фараз қилишдир) ҳуқуқий норманинг биринчи қисми бўлиб, у қўлланиладиган шарт— шароит вақтни билдирад. Гипотезанинг икки тури мавжуд бўлиб, аниқланган гипотеза ва тўла аниқланмаган гипотезадир. Аниқланган гипотеза — ҳуқуқий нормада кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг пайдо бўлиши, ўзгариши, ёки бекор бўлиши аниқ, кўрсатилади. Тўла аниқланмаган гипотезада ҳуқуқий норманинг кучга кириши ва қўллаш тартиби кўрсатилмайди.

Диспозиция (лотинча сўз бўлиб —мазмун деган маънони билдиради). Бу ҳуқуқ нормасининг мазмуни, қўллаш тартиби ва бурчлари кўрсатилади.

Диспозициянинг қуйидаги турлари бор: 1) императив (аниқ кўрсатилган) диспозиция-бунда ҳуқуқий норманинг матнида диспозиция аниқ кўрсатилади. Масалан, ЎзРси ЖКнинг махсус қисмидаги моддалар; 97—модда қасддан одам ўлдириш, 118—модда номусга тегиш, 164—модда босқинчилик ва бошқалар; 2) нисбий белгиланган диспозиция.

Бунда ҳуқуқий норманинг мазмунини тарафлар аниқлайди ва узгартиради. Жумладан, ЎзРси Мкнинг 228 — моддасида ҳомиладор аёлларни, бола эмизувчи ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга дам олиш кунлари ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юбормайдиган деб кўрсатилган; 3) диспозитив (қайта тикловчи) — ёки ваколат берувчи диспозиция-бунда ҳуқуқий норма томонларга ўз ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб берувчи ваколатини беради. Масалан, ЎзРси МКнинг 72 — моддасида «Меқнат шартномаси ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меқнат тартибига бўсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек маҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги «келишувлар» деб кўрсатилган; 4) бланкет диспозицияси бунда ҳуқуқий нормалар тегишли органга ҳуқ — атвор қондасини белгилаш ҳуқуқини беради. Жумладан: ЎзР МКнинг Меҳнат ҳақининг миқдорини иш берувчи билан ходим келишувига асосан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам миқдордан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди»-деб курсатилган.

Ҳуқуқ нормасининг учинчи қисми санкциядир. (санкция - лотинча чора деганидир). Санкцияда ҳуқуқ нормалари талабларига риоя қилмаслик натижасида давлат томонидан қўлланиладиган мажбурий чорадир. Санкция ҳуқуқ номасининг юридик кучини барча фуқаролар учун мажбурийлигини ифодалайди. Санкциялар ҳуқуқ нормаларининг характериға қараб интизомий, маъмурий фуқаролик, жиноий-ҳуқуқий ва бошқа турларға бўлинади. Ходимларға меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи интизомий жазо чораларини қўллайди. Маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганда ЎзР ЖК кўрсатилган жазо чораларини беради. Жиноят содир қилинганда ЎзР ЖКда белгиланган жазо чоралари қўлланилади. Фуқаролик — ҳуқуқ нормалари бузилганда етказилган зарарни ундириш, тузилган шартнома ва битмларни қонунсиз деб топиш чоралари белгиланган.

Санкциялар ҳуқуқ нормаларининг ифодаланишиға қуйидаги уч турға бўлинади: нисбий белгиланган санкциялар (масалан, 6 — ойдан 25 — йилгача озодликдан маҳрум қилиш), абсалют (мутлоқ,) белгиланган санкция (70 000 сўм жарима), муқобил санкция (масалан, моддада ё озодликдан маҳрум қилиш ёки қамоқ, жазоси белгиланган). Битта юридик моддада ҳуқуқий норма тузилишининг у чала қисми бўлмаслиги мумкин. Модда билан ҳуқуқ нормаси ўртасида фарқ бор. Чунки ҳуқуқ нормасининг тузилиши деганда бу уч қисмнинг қаерда ва қандай даражада ифода этилишидан қатъи назар, улар ўртасидаги мантиқий боғланиш ва унинг мазмуни тушунилади. Ҳуқуқ нормасининг мантиқий тузилиши —бу объектив ҳодисадир. Чунки ҳар бир ҳуқуқ нормаси кишилар ўртасида турли ижтимоий муносабатларни тартибға солиш учун тегишли қоидалар белгилаб, уларнинг кишилардан бажарилишини талаб қилади. Ҳуқуқ нормасининг мантиқий тузилиши 3 қисмдан — гипотеза, диспозиция ва санкция ташкил топиши амалий ишда ишловчи ходимларни барча ҳаракатдаги норматив ҳужжатларни атрофлича анализ қилишни талаб этади, қонун ва норматив ҳужжатларнинг ҳаётға қўллаш учун мавжуд бўлган шароитни, унинг мазмунини билиши ва уларға риоя қилинмаса ҳаётда ишлар нотўғри ҳал қилинади.

2.Ҳуқуқ нормаларининг турлари. Жамиятда ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини тартибға солувчи ҳуқуқ нормалари мавжуд. Булардан туғри фойдаланиш учун ҳуқуқ нормалари қуйидаги турларға бўлилади:

Биринчидан, ҳуқуқ нормалари жамиятда кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг тартибға солиш предмети ва усулиға қараб турли ҳуқуқ соҳаларига бўлинади. Масалан конституциявий ҳуқуқ нормаси, маъмурий нормаси, фуқаролик ҳуқуқ нормаси, жиноят ҳуқуқ нормаси меҳнат ҳуқуқ нормаси, молия ҳуқуқ нормаси ва бопщалар.

Иккинчидан, ҳуқуқ нормалари қайси давлат органи чиқаришига — яъни субъектига қараб қонунларга (давлат Конституцияси ва жорий қонунлар) ва қонун ости актларига (фармон, қарор, фармойиш ва бошқаларга) ажратилади.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи олий орган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бўлиб, у фақат қонун қабул қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ва ижро этувчи давлат ҳокимият бошлиғи бўлиб, қарорлар, фармонлар ва фармойишлар қабул қилади. Ўзбекистон Республикасининг турли вазирликлари, бошқармалари, давлат кўмиталари — буйруқ, қўлланма, йўриқнома ва низомлар, вилоят, шаҳар ва туман Халқ, Депутатлари Кенгашлари - қарор ва фармойишлар, уларни бошқарадиган ҳокимлар эса қарорлар чиқаради.

Учинчидан, ҳуқуқ нормалари мазмунига кўра — кишиларни мажбур этувчи, ман этувчи ва ваколат этувчи нормаларга бўлинади. Мажбур этувчи ҳуқуқ нормалари бу нормаларнинг бажаришга мажбур этади. Масалан, ЎЗР оила Кодексининг 39 — моддасига асосан «хотиннинг ҳомиладорлиги вақтида ва бола туғилгандан кейин бир йил мобайнида эр — хотиннинг розилигисиз никоҳдан ажратиш тўғрисида иш қўзғатишга рози эмас», — деб кўрсатилган. Ман этувчи ҳуқуқ нормалари кишилардан ҳуқуқ нормасида кўрсатилган қоидаларни ман этади. Жумладан, ЎЗР ЖКнинг 50-моддасига асосан, айбланувчи ҳимоячи талаб қилишга қақли, суд унга ҳимоячи тайинлашга мажбур. Ваколат берувчи ҳуқуқ нормалари кишиларга тегишли ваколатлар беради. ЎЗР ФКнинг 164 — моддасига биноан, мулк эгасига қонун асосида мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқлари берилган.

Тўртинчидан, ҳуқуқий нормалар уларда баён этилган қоидаларнинг мазмуни ва характериға қараб қатъи (императив) ва диспозитив (тўлдирувчи) ҳуқуқ нормаларида ҳуқуқий қоиданинг талаби қатъи тарзда ифодаланади. Масалан, ЎЗР ФКнинг 23 — моддасида «Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқатидан ёки муомала лаёқатидан тўла ёки қисман воз кечиши лаёқати ёки муомала лаёқатини чеклашга қаратилган бошқа битмлар ўз - ўзидан ҳуқуқий эмасдир», -деб кўрсатилган. Диспозитив (тўлдирувчи) ҳуқуқ нормаларида тарафлар келишиб ўз ҳуқуқ ва бурчларини ҳал қилади. Масалан, ЎЗР ФКнинг 547 — моддасида, агар қонун ҳужжатлари ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ижараға берувчи ижараға топширилган мол —мулкни ўз ҳисобидан капитал таъмирлаши шарт дейилган.

Бешинчидан, ҳуқуқ нормалари ҳаракат қилиш вақтиға қараб доимий ва вақтинчалик нормаларға бўлинади. Доимий нормалари деганда, ҳаракатда бўлган барча нормалари ваколатли давлат органи расман бекор қилингунгача бўлган ҳуқуқ нормалариға айтилади. Вақтинчалик нормалари уруш вақтида, табиий офатлар ёки бошқа махсус масалалар бўйича қабул қилинган ҳуқуқ нормаларидир.

Олтинчидан, ҳуқуқ нормалари ҳаракат этиш жойига қараб — Ўзбекистон Республикаси ва мақаллий жойлар ҳудудида амал қилувчи ҳуқуқий нормаларға бўлинади.

Еттинчидан, ҳуқуқ нормалари — ижтимоий муносабатларни мустаҳкамлашға қараб, регулятив (тартибға солувчи) ва ижтимоий муносабатларни кўриқловчи нормаларға бўлинади. Регулятив нормаларға ижтимоий муносабат иштирокчилариға ва бурч берувчи ҳуқуқ нормалари киради. Ижтимоий муносабатларни кўриқловчи нормаларға ҳуқуқий жавобгарлик ва субъектив ҳуқуқарни ҳимоя қилувчи ҳуқуқ нормалари киради. Бунға Ўзбекистон Республикаси жиноят - ҳуқуқ нормалари киради.

Ҳуқуқ ШАКЛЛАРИ

Режа:

1. Ҳуқуқ шаклларининг тушунчаси.
2. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг тузилиши.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Саидов А. Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т., 1999.
4. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
5. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

1. Ҳуқуқ шаклларининг тушунчаси. Юридик адабиётда ҳуқуқ шакли ибораси ҳуқуқ манбаи ибораси билан бир маънода ишлатилади. Бу нотўғридир. Чунки манба ибораси ҳеч вақт иш шаклини билдирмайди. Шакл бу ҳуқуқнинг мазмуни билан боғлиқ бўлган, унинг тузилишидир. Ҳуқуқ шакли бу жамиятдаги барча синф, миллат, элат ва халқнинг иродасини қонун даражасига кўтариш усулидир. Ҳуқуқ манбаи ибораси ҳуқуқ шаклини билдирмасдан балки жамият моддий, ғоявий ва юридик маъноларни билдиради. Ҳуқуқ манбаи моддий маънода жамиятнинг иқтисодий муносабатларини тартибга солади. Иқтисодий муносабатларга ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш қуроллари, иқтисодий тизими ва мулк шакллари киради. Ҳуқуқнинг ғоявий мазмунида ҳуқуқий онг тушунилади, ҳуқуқий онг жамиятда кишиларнинг ҳуқуқ тўғрисидаги қарашлар йиғиндиси бўлиб, ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданиятни ўз ичига олади. Ҳуқуқ манбаи юридик маънода қонун ва барча ҳуқуқий нормаларнинг ички ва ташқи тузилишини билдиради. Ҳуқуқ шаклининг ифодаланиши эса, давлат эркининг ҳамма фуқаролар учун мажбурийлик усулига қараб белгиланади.

Ҳуқуқнинг шакли — бу жамиятдаги турли синф, миллат, элат табақалар ва халқнинг қонуний эркини ифодаловчи усулдир. Бу эрк давлат органлари томонидан, унинг мажбурлаш кучи орқали қонунлар, қарорлар, фармонлар ва бошқа норматив актлар шаклида қабул қилинади. Буларни бажариш барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ҳуқуқнинг учта тарихий шакли мавжуд: ҳуқуқий одат, суд ёки маъмурий прецент ва норматив ҳуқуқий актлар.

Ҳуқуқий одат — бу жамиятда яхши одат нормаларини давлат томонидан тасдиқланиб, ҳуқуқий нормалар сифатида қабул қилинишидир. Ҳуқуқий одат бу ҳуқуқнинг биринчи тарихий шакли бўлиб, қулдорлик ва феодал давлатларида мавжуд бўлган. Масалан, бу давлатларнинг ҳуқуқий одатларидан то ҳозирга қадар бизга етиб келган XII жадвал қонуни, Ману Драконд қонуни, Рус правдаси (ҳақиқати) ва бошқалар. Ҳуқуқий одат бу диний нормалар билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳозирги мусулмон, Ҳиндистон ва Африка давлатлари тизимида ҳуқуқий одат ишлатилади. Ўзбекистон Республикаси тизимида ҳуқуқий одат кам ишлатилади. Масалан, ЎзРнинг оила Кодексининг 8 — моддисида қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирида, ЎзРнинг қонун ҳужжатлари тамойилларига зид бўлмаган мақаллий урф-одат ва анъана қўлланилиши кўрсатилади.

Суд ёки маъмурий прецент —бу аввал суд ёки маъмурий органлар кўрган ишларга, қараб тегишл ишларни ҳал қилишдир. Ҳуқуқнинг бу шакли қозирги вақтда Англия, АҚШ, Канада ва бошқа давлатларнинг ҳуқуқ тизимида ишлатилади. Ўзбекистон ҳуқуқ тизимида суд ёки маъмурий прецент ишлатилмайди. Ҳуқуқнинг учинчи шакли —бу норматив ҳуқуқий актлар бўлиб, ҳозирги замон давлатларнинг ҳуқуқ тизимида кенг ишлатилади.

2. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг турлари.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар — бу жамиятда кишиларнинг турмуш қоидаларини белгилайди, ўзгартиради ва бекор қилади. Ўзбекистонда асосан ҳуқуқ шаклларида норматив ҳужжатлар ҳаракат қилади. Бу орқали барча халқнинг эрки — қонун даражасига кўтарилади. Буларни бажариш барча кишилар учун умуммажбурийдир. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, турли қонунлар, тур халқаро шартномалар қиради.

Норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг белгилари қуйидагилардан иборат:

1. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларда янги нормалар ўрнатилади, амалдагиси ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Шунинг учун улар ҳуқуқий муносабатларга иштирок этувчи тарафларга ҳуқуқ ва бурч белгилайди. Норматив ҳужжатларни турмушда қўллаб улар билан кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда шахсий аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий актлар пайдо бўлади. Масалан, суд қарори, суд ҳукми, квартира олиш учун ордер, нафақа тайинлаш ҳақидаги қарор ва бошқалар.

2. Норматив ҳуқуқий актлар ёзма равишда давлат томонидан чиқарилиб қонун, фармон, қарор, фармойиш деб номланиб, қабул қилинган давлат органи (парламент, президент, кукумат, ҳокимият органлари кўрсатилади).

3. Норматив ҳуқуқий ҳужжатларда мажбурий бўлган нормалари гуруҳларга қараб тузилади, Масалан, Конституция ва Кодексларнинг бўлимлари, боблар ва моддалари.

4. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар юридик кучига, мазмуни, характери, ҳаракат қилиш доираси ва қайси давлат органи чиқарганига қараб таснифланади. Норматив ҳуқуқий ҳужжатлар юридик кучига қараб қонун ва қонун асосида чиқарилган актларга бўлинади, ҳажми ва характерига қараб давлат ҳуқуқига, ҳаракат қилувчи, умумий чекланган, фавқулотда ҳолат (табiiй офат, ҳарбий ҳолатлар сабабли) норматив ҳуқуқий ҳужжатларга бўлинади.

Кўрамизки норматив ҳуқуқий ҳужжатларга — давлат Конституцияси, турли қонунлар, кодекслар, қарорлар, буйруқлар, йўриқномалар ва низомлар қиради. Қонун ҳозирги замон давлатлар норматив ҳуқуқий ҳужжатлари ичида энг муҳим ўрин эгаллайди. Қонун энг муҳим жамият ва давлат тузилишини ҳуқуқий асосларини тартибга солади.

Қонун давлат ҳокимиятининг олий органи томонидан қақирилган олий юридик кучга эга бўлган, жамиятдаги барча миллат, элатларнинг ва халқнинг манфаатларини ифодалаган, улар ўрасида турли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи турмуш қоидаларининг йиғиндисидир. Қонуннинг белгилари қуйидагилардан иборат: 1) давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи томонидан қақирилиши; 2) қонуннинг олий юридик кучга эгалиги; 3) унинг норматив ҳуқуқий характерга эга бўлиши; 4) қонунда жамиятдаги барча миллат, элат ва табақа ва халқнинг эрк — иродаси ифода этилади; 5) қонун кишилар ўртасида турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Қонун Ўзбекистоннинг мустақиллигини таъминлашда, бозор иқтисодий сиёсатига ўтишда, турли мулк шакллари мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда давлат тузилиши, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларга тааллуқли ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратувчи бир қанча қонунлар қабул қилинди. Жумладан, уларнинг асосийлари: давлат қурилиши соҳасида — сайлов тизими, Конституциявий суд, Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Прокуратура, Ички ишлар органлари, маҳаллий бошқарув тўғрисидаги қонунлар. Иқтисодий соҳада мулкчилик корхоналар, тадбиркорлик, банклар ва корхоналар, бирлашмалар ва

ташкilotлардан олинадиган солиқлар, ташқи иқтисодий фаолият, чет эл инвестициялари, валютани тартибга солиш тўғрисидаги ва бошқа қонунлар. Ижтимоий соҳада — оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, кам таъминланган фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, нафақа билан таъминлаш ва бошқа қонунлар. Бу қонунлар назария ва ҳаёт билан боғлиқ бўлиб, кишилар ўртасида турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Қонунни бажариш бозор иқтисодий муносабатларига ўтишнинг барча амал қиладиган қоидаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига асосан давлат органларини норматив ҳуқуқий актлар қабул қилиш тартиби қуйидагича белгиланган:

1. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. У қонунлар ва қарорлар қабул қилади;
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Фармойишлар чиқаради;
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи бўлиб, норматив характердаги фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради;
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумати қарорлар ва фармойишлар чиқаради;
5. Ўзбекистон Республикасининг турли вазирликлари, давлат қўмиталари ва муассасалари — буйруқлар, қўлланмалар, йўриқномалар ва низомлар қабул қилади,
6. Вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари қарорлар чиқаради.
7. Маҳаллий давлат ҳокимият органлари жойлардаги вилоятлар, туманлар ва шаҳарлардаги халқ депутатлари Кенгашлари қарор ва фармойишлар чиқаради. Шундай қилиб, кўрамизки норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан иборат: Конституциявий қонунлар, халқаро шартномалар, қарорлар, норматив фармонлар, фармойишлар, буйруқлар, қўлланмалар, йўриқномалар, низомлар ва кодекслар.

ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

Режа:

1. Ҳуқуқий муносабат ва унинг турлари
2. Ҳуқуқий муносабатнинг тузилиши.
3. Юридик фактларнинг таснифлари.

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., «Ўзбекистон», 1996.
3. Саидов А. Таджиханов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. Т., 1999.
4. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
5. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

1. ҲУҚУҚИЙ муносабатлар ва унинг турлари

Жамиятда ижтимоий муносабатлар — бу кишилар ўртасидаги турли иқтисодий, маданий, сиёсий, мафкуравий ва ғоявий муносабатларнинг йиғиндисидир. Бу ижтимоий муносабатлар икки гуруҳга бўлинади: — яъни иқтисодий ва ғоявий муносабатлар. Жамиятда кишилар ўртасида ижтимоий муносабатларнинг асосини иқтисодий ва моддий муносабатлар ташкил қилади. Иқтисодий муносабатларга жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш кучлари ва қуроллари киради. Иқтисодий муносабатлар иқтисодий қонунлар билан тартибга солинади.

Жамиятдаги ғоявий муносабатларга — кишиларнинг диний, фалсафий, ахлоқий, ҳуқуқий ва бошқа қарашлари киради. Жамиятдаги иқтисодий муносабатлар кишиларнинг истагига ва онгига боғлиқ бўлмасдан объектив равишда пайдо бўлади ва ривожланади. Ғоявий муносабатлар эса субъектив характерга эга бўлиб, уларнинг ирода ва онгига боғлиқдир.

Ҳуқуқий муносабатлар —бу ғоявий муносабатларга киради. Ҳуқуқий муносабатлар жамиятда кишилар ўртасидаги ижтимоий нормалар билан тартибга солади.

Ҳуқуқий муносабатларнинг турлари қуйидагилардан иборат:

1. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиш предмети ва усулига қараб турли ҳуқуқий муносабатларга ва ҳуқуқ соҳаларига бўлинади. Масалан: Конституциявий муносабатлар — Конституциявий ҳуқуқ билан, маъмурий муносабатлар — маъмурий ҳуқуқ билан фуқаролик муносабатлар —фуқаролик ҳуқуқи билан, жиноий муносабатлар — жиноий ҳуқуқ соҳалари билан тартибга солинади.

2. Жамиятда ҳуқуқий муносабатлар турли нормалар билан кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг регулятив қўриқловчи турларга бўлинади. Регулятив ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи тарафлар ўз ҳуқуқ, ва бурчларига қатъий амал қилиши керак. Масалан: фуқаролик ҳуқуқи бўйича олди —сотди, қарз шартномалари амалга оширилиши. Ҳуқуқий қўриқловчи ижтимоий муносабатлар давлатнинг зўрлик кучи билан амалга оширилади. Масалан: ЎзР Жиноят Кодексини махсус қисмидаги моддалар, яъни 97 —модда қасдан одам ўлдириш, 210 —модда пора олиш, 277 — модда безорилик қилиш ва бошқалар.

3. Ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи субъектларга қараб-ҳуқуқий муносабатлар нисбий (масалан, олди — сотди шартномасида даъвогар ва жавобгар), мутлоқ муносабатларга (мулк ҳуқуқи), умумий тартибга солувчи муносабатларга (масалан, ЎзР Конституциясига асосан ҳар бир фуқаро меҳнат қилиш, дам олиш ва ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқларига эгадир).

Жамиятда ҳуқуқий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва белгилари мавжуд:

1) ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқий нормалар пайдо бўлади ўзгаради ва бекор бўлади. Ҳуқуқий нормалар орқали давлатнинг зўрлик кучи билан ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи тарафларнинг эрки ва иродаси амалга оширилади. 2) ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи тарафлар онгли равишда қатнашиб, улар ҳуқуқ ва бурчларга қатъий амал қилиши керак. 3) ҳуқуқий муносабатлар жамиятнинг иқтисодий тузилиши билан узвий боғлиқ бўлиб, ундан юқори ўз навбатида жамиятнинг иқтисодий тузилишини ривожлантиришга катта ёрдам қилади. 4) ҳуқуқий муносабатларга кириб, миллий ва маънавий манфаатларни қимоя қилади. 5) ҳуқуқий муносабатлар жамиятдаги диний, фалсафий, урф — одат, ахлоқий ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг ривожланишига ёрдам беради.

2. Ҳуқуқий муносабатнинг тузилиши. Ҳуқуқий муносабат 4 —та қисмдан иборат: Ҳуқуқий муносабатнинг субъекти, объекта, ҳуқуқ ва бурч. Субъект ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи шахслардир. Бу шахслар 2 —га бўлинади. Шахслар (фуқаролар) ва юридик шахслар. Фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистан Республикасининг фуқаролиги, бошқа Республикада яшаётган чет давлатларининг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Юридик шахслар деб ўз мулкига ҳўжалик юритишда ёки оператив бошқарувида алоҳида мол —мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкый ёки шахсий номулкый ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотларга айтилади. Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак. Юридик шахсларга давлат органлари, муассалар, корхоналар, ва жамоат бирлашмалари киради.

Субъектлар — яъни фуқаролар ва юридик шахслар муносабатда иштирок этиш учун ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатига эга бўлиши керак. Улар оир вақтда ўз ҳуқуқини ва бурчини бажариши керак. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан пайдо бўлади ва вафот этиши билан тугайди. Баъзан лаёқатга фуқаро туғилмасдан олдин ҳам эга бўлади. Масалан, ЎзР ФКнинг 1135 — моддасига асосан мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалари бўйича ворисхўр ҳисобланади.

Муомала лаёқати шахсинг (фуқаролар, юридик птахслар) ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқи олиш ва ўзига юридик бурч туғдириш ва ҳуқуқбузарлик учун жавоб беришлигидир. Фуқароларнинг ҳуқуқый лаёқати уларнинг туғилиш вақтидан бошланса, муомала лаёқти маълум ёшдан қисман 13—16 ёшдан, тўла 18 ёшдан бошланади. Юридик шахсларнинг ҳуқуқый лаёқати ва муомала лаёқати улар ташкил этилиши билан пайдо бўлиб, тугатилиши билан барҳам топади.

Ҳуқуқий муносабатларнинг объекти— бу муносабатлар қандай ижтимоий муносабатларга қаратилган бўлишлигидир. ЎзР ФКнинг 81 — моддасига асосан фуқаролик ҳуқуқларнинг объектларига ашёлар, шу жумладан пул ва қимматли қоғозлар, бошқа буюмлар, мол — мулк, шу жумладан мулкый ҳуқуқлар, интлар ва хизматлар, ихтиролар, санъат намуналари, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал бошқа натижалари, шунингдек шахсий номулкый ҳуқуқлар ва бошқа моддий ва номоддий бойликлар киради.

Ҳуқуқ - бу унинг иштирокчиларининг тегишли нормага асосан унда белгиланган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни амалга оширилишидир. Масалан, уйни сотган мулкдор унинг нархи — пулни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқий муносабатда бурч — ҳуқуқий муносабатда иштирок этувчи шахсинг ҳуқуқ талаб қилган нарсани бажаришидир. Масалан, уй олди — сотди шартномасида уйни сотиб олган тараф уй нарҳини — пулни тўлаш унинг бурчидир.

3. Юридик фактларнинг таснифланиши. Бу ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келтирувчи, ўзгартирувчи ёки бекор қилувчи фактлардир. Юридик фактлар ҳуқуқий тартибга солиш механизмида муҳим роль ўйнайди. Улар ҳуқуқии нормалар билан алоҳида ҳуқуқий муносабатни боғлайди. Юридик фактлар ижтимоий муносабатларнинг турига қараб кўп турлидир. Шунинг учун улар бир неча асосларга кўра таснифланади. Юридик фактлар характериға кўра оддий ва мураккаб юридик фактларга бўлинади. Оддий юридик фактга магазиндан керакли товарларнинг сотиб олиш натижасида харидор ва сотувчи ўртасидаги ҳуқуқтқий муносабатнинг пайдо бўлишидир. Мураккаб юридик фактлар сабабли пайдо бўладиган ҳуқуқий муносабатлар бир нечта юридик факт бўлишлигини талаб қилади. Масалан, қариялик пенсия олиш учун қуйидаги юридик фактларни тасдиқловчи қужжатлар керак: меқнат стажи, маълум ёшга етиши, пенсия тайинлаш тўғрисида ижтимоий таъминот органининг қарори.

Юридик фактлар инсон иродасига боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигига қараб иккиқ гуруҳга бўлинади: юридик ҳодисалар ва юридик ҳаракатлар. Ҳодисалар сабабли пайдо бўладиган юридик ифактлар нсонга боғлиқ бўлмаган ҳолда табиат ва жамият кучлари туфайли пайдо бўлади. Масалан, боланинг туғилиши, инсоннинг вафоти, ер қимираши, ёнғин ва бонқалар, Булар натижасида жамиятга моддий ва маънавий зарар етказилса, булар юридик фактлар бўлиб, тегишли ҳуқуқий нормалар билан тартибга солиниб ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтиради, ўзгартиради ва бекор қилади.

Юридик ҳаракатлар натижасида пайдо бўладиган муносабатлар кишиларнинг иродаси билан содир бўлади. Юридик ҳаракат натижасида пайдо бўладиган юридик фактлар 2 гуруҳга, ҳуқуқий ва ҳуқуқга зид ҳаракатларга бўлинади. Амалдаги ҳуқуқий нормалар асосида пайдо бўлган ва тартибга солинаётган ҳаракатлар қонунийдир. Масалан, шартномалар ва битимларнинг қонун асосида амалга оширилиши. Ҳуқуқий нормаларнинг талабига зид, уларни бузиш орқали содир қилинган кишиларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги сабабли пайдо бўлган ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқга зид ҳисобланади. Булар интизомий, маъмурий, фуқаролик, жиноий, меҳнат ва бошқа ҳуқуқбузарликларга бўлиниб, уларга нисбатан тегишли жазо чоралари белгиланган.

Демак кўрамизки, жамиятда ҳуқуқий муносабатлар кишилар, давлат органлар ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги ҳатти — ҳаракатларни, турли ҳуқуқий нормалар билан ҳуқуқий муносабатлар орқали тартибга солиб қонунийлик ва тартиботни мустаҳкамлайди

ҲУҚУҚ НОРМАЛАРИНИ ШАРҲЛАШ

Режа:

1. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш тушунчаси
2. Ҳуқуқ нормаларини мазмунини аниқлаш усуллари
3. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш турлари
4. Ҳуқуқ ўхшашлиги ва қонун ўхшашлиги

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов А.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасидир. 3-том, Т., «Ўзбекистон», 1996
3. Каримов А.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. 2-том, Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
5. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

1. Ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш тушунчаси. Ҳуқуқий нормалар ҳаётда тўғри қўлланиб борилса, бу орқали давлат органлари, корхоналар, муассалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар ўртасида турли ижтимоий муносабатлар тартибга солинади. Шунинг учун ҳуқуқий нормани ҳаётга тадбиқ, этишда у билан ҳал қилинадиган ишни ҳар тарафлама ўрганиш, у ишни квалификация қилиш керак. Бундан кейин ҳаётда кишилар ўртасидаги тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш лозим.

Ҳуқуқий нормаларни шарҳлаш, бу ҳаётда содир бўлган ижтимоий муносабатларга уларнинг тадбиқ, этишдан олдин, унинг маъноси ва мазмунини тўғри англашдир.

Қонун бошқа ҳуқуқий нормалар матнидаги сўз ва ибораларни грамматик, мантикий ва юридик жиҳатдан таҳлил этиш муҳимдир. Бунда тадбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг ҳар бир моддасининг таъсир қилиш доирасини белгилаш, тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун сиёсий ва юридик малака талаб қилинади. Суд, прокуратура,

суриштирув органлари томонидан турмушда тегишли ишларни кўраётганда йўл қўйиладиган хатоларнинг кўпчилиги —бу нормаларни нотўғри қўллаш ва шархлаш билан боғлиқдир.

Демак, ҳуқуқий норманинг маъноси ва мазмунини чуқур аниқлаш керак бўлади. Ҳуқуқий нормаларнинг шархлаш масаласи қуйидаги учта муҳим масалани ўз ичига олади: 1) ҳаётда тадбиқ этиладиган ҳуқуқий нормаларни шархловчи субъектларни аниқлаш. 2) нормаларнинг мазмунини аниқлаш учун мантикий, грамматик, тарихий ва систематик усуллар қўлланилади. 3) нормаларнинг ҳажми бўйича ва юридик кучига шархлаш керак.

Ҳуқуқий нормаларни шархлаш илмий томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётда синаб кўрилган бир қатор махсус усуллар орқали амалга оширилади. Бу усуллар ҳуқуқий нормаларнинг маъноси ва мазмунини очиқ беради.

2. Ҳуқуқий нормаларини мазмунини аниқлаш учун қуйидаги усуллар ишлатилади: грамматик, мантикий. Тарихий ва систематик усуллар.

Грамматик усулда — қўлланиладиган ҳуқуқий норма мазмуни унинг матнини грамматик — филологик, тил қоидаларига асосан таҳлил қилиб бериш керак. Ҳуқуқий норма матнидаги сўз ва ибораларнинг, масалан, ЎзР Жиноят Кодексидаги «ёмон оқибатлар», «иғво қилиш», «жиноят таркиби» ва бошқа ибораларнинг мазмунини аниқлаш лозим. Норма матнидаги ҳар бир сўз ва жумлаларнинг мазмунини грамматик жиҳатдан тўғри ва нотўғрилигини анализ қилиш керак. Масалан, жиноий ишлар бўйича судлар ҳукм чиқарганда, «жазолаш мумкин эмас, авф этилсин», деб тўғри ишлатилади. Шу иборага грамматик жиҳатдан «жазолаш» сўзидан кейин вергуль қўйилса, «жазолаш, мумкин эмас авф этилсин», деб ибора нотўғри ишлатилади.

Мантикий усул — ҳаётда тадбиқ этилаётган ҳуқуқий нормаларнинг мазмуни мантик фанининг қонуниятларига асосан аниқланади. Бунда ҳуқуқий норманинг матнидаги сўз ва тушунчалар бир —бири билан ички ва узвий мантикий жиҳатда боғланганлигига эътибор бериб, ҳуқуқий норманинг мазмуни аниқланади. Масалан, ЎзР ФКнинг 30— модадсида рухий касаллига ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқароларга вассийлик белгиланади», дейилган. Бунда вояга етган фуқаро касал бўлса ҳам то суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб қарор чиқариб у қонуний кучга киргунга қадар мантикий муомалага лаёқатли деб фараз қилинади.

Тарихий-сиёсий усулда — ҳаётда қўлланиладиган норманинг мазмунини қайси тарихий шароитда, давлатнинг қайси органи, қандай мақсадда чиқарилгани аниқланади, Масалан, 1926 йилда қабул қилинган ЎзР ЖКда безорилик тўғрисидаги моддада фуқаролар томонидан корхоналарда, муассасаларда ва жамоат жойларда безорилик қилиш сўзлари бор эди. 1994 йилда қабул қилинган ЎзР ЖКнинг 277 — моддасини 1 — қисмида безорилик жиноятига қуйидагича таъриф берилиб, унда юқоридаги сўзлар йўқ- «Жамиятда юриш — туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, уриш — дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобут қилиш жиддий зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамол билан жазоланади», деб кўрсатилади.

Систематик усул — ҳаётда қўлланиладиган норманинг мазмунини бошқа ҳуқуқий нормалар билан солиштириб, унинг тегишли ҳуқуқ соҳаси нормалари тизимидаги ўрнини аниқлаш керак. Масалани ЎзР ФКнинг 541 — моддасида мулкнинг ижарага олувчи томонидан ёмонлаштирилган ҳолда ечказилган зарарнинг ижарага берувчига тўлатилиши тўғрисида айтилади. Етказилган зарар шартнома бўйича олинган мажбуриятни мазкур моддалар бир — бири билан солиштирилиб етказилган зарар ЎзР ФКнинг 541—моддаси билан эмас, балки 331 — моддаси билан ундирилади.

3. Ҳуқуқ нормала рини шархлаш турлари. Бу ҳуқуқнинг мазмунини очиш, тушунтириш фаолияти ва қужжатларнинг юридик моҳиятини йиғиндисидир. Бунинг юридик моҳиятини ва амалиёт учун аҳамиятини нормаларни шархловчи субъектлар ваколати аниқлайди. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий нормаларни шархлайдиган субъектлар қуйидагилардан иборат: давлат ҳокимият органлари, давлат бошқарув органлари, суд органлари, прокуратура, ички ишлар ва бошқа органлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар. Шу субъектлар ҳуқуқий нормаларни шархлаганда уларнинг мазмунини тўғри тушуниб, ҳуқуқий нормаларни қўллаб турмушдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади ва тегишли ишларни ҳал қилади.

Ҳуқуқий нормаларни шархлаш, уларни қўллайдиган субъектига қараб икки гурӯҳга: расмий ва норасмий шархлашга бўлинади.

Расмий шархлаш — турмушда тадбиқ этиладиган ҳуқуқий нормаларнинг ваколатли давлат органлари томонидан шархланишидир. Бу барча учун мажбурий бўлади. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий нормаларни шархлаш билан ўз ваколати доирасида қуйидаги давлат органлари шуғулланади: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорги Кенгеси ва Вазирлар Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Республика бош прокурори ва бошқалар.

Расмий шархлаш ўз навбатида норматив ва казуал шархлашларга бўлинади. **Норматив шархлаш** — давлат ҳудудида ҳуқуқий нормаларни бир хилда тадбиқ этиш мақсадида, уларни давлат органи чиқарган бўлса, ўзи шархлайди. Бу шархлашни юридик адабиётда аутенттик (муаллиф томонидан шархлаш) деб аталади.

Конституциямизнинг 109 — моддасини 3 — қисмига асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди Конституция нормаларини юридик кучига қараб шархлайдиган ягона органдир. Унинг шархи расмий бўлиб, барча давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир.

Ҳуқуқий нормаларни казуал (казус) шархлашда — суд органлари ҳар бир фуқаролик, жиноий, маъмурий ва бошқа ишларни кўраётганда тегишли ҳуқуқий нормалар билан ҳал қилиб ҳуқуқий нормаларни шархлайди. Суднинг ҳар бир фуқаролик иши бўйича чиқарган қарори ёки жиноий ишлар бўйича чиқарган ҳукми ҳуқуқий нормани казуал (казус) шархлашдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Судлар тўғрисидаги» қонуннинг 16 — моддасини 4 — бандига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми суд амалиётини умумлаштиради ва қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича уларни шархлаб, дастурий кўрсатмалар беради.

Ҳуқуқий нормаларни норасмий шархлашга илмий шархлаш киради. Илмий шархлашда ҳаётда қўлланилаётган норманинг илмий ходимлар, олимлар, жамоат ва давлат арбоблари дарсликларда, маърузаларда, китобларда ва илмий мақолаларда шахлайди.

Норасмий илмий шархлаш барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхона, муассаса, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлмасда, нормаларнинг мазмунини шархлаб беради. Бу шархлаш нормаларнинг амалиёт билан боғлаб кишиларнинг ҳуқуқий онги на маданиятини ривожлантиришда муҳим рол ўйнайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарх, Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига, фуқаролик кодексига, маҳнат кодексига, Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига шархлар.

Ҳуқуқий нормаларнинг шархлаш қажми бўйича уч хил бўлади: сўзнинг том маъносини шархлаш. Бунда қўлланилаётган ҳуқуқий норманинг матнига ҳеч нарса қўшмасдан қўллаш тушунилади. Масалан, Конституциямизнинг 21 — моддасида: «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, унга қандай асосларга эга бўлганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир», деб кўрсатилган.

Чекланган шархлаш. Бунда турмушда тадбиқ этилаётган ҳуқуқий норманинг матнида, унинг чекланганлиги белгилаб қўйилади. Масалан, Конституциямизнинг 64 — моддасида «Ота — она у фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», деб чеклаб қўйилган.

Кенг маънода шархлаш. Бунда ҳаётда қўлланилаётган норманинг мазмунини ёзилган матнига нисбатан кенгроқ қилиб шархлашга айтилади. Масалан, ЎзР ЖКнинг 55 — 56 — моддаларида жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар кўрсатилган. Буларни суд шархлаб судланувчини шахсини ҳисобга олиб қўллайди.

4. Ҳуқуқ ўхшашлиги ва қонун ўхшашлиги. Турмушда нормалар қўлланилиб, тегишли ишлар ҳал қилинаётган вақтда, ҳуқуқий ва қонунларимиз қанчалик мукамал бўлмасин, баъзан улар билан бу ишларни ҳал қилиб бўлмайди. Чунки ҳаёт бой бўлиб, турмуш биринчи, ҳуқуқ иккинчидир. Бу ҳолда бўшлиқ пайдо бўлади. Ана шундай вақтда турмушдаги ижтимоий муносабатларни ҳал қилиш ҳуқуқ ўхшашлиги билан тартибга солинади.

Юридик фанда ҳуқуқ ўхшашлиги ва қонун ўхшашлиги мавжуд. Ҳуқуқ ўхшашлиги бу ҳаётда учрайдиган тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқни умумий тамойилларига асосан ҳал қилишдир. Қонун ўхшашлиги бу тегишли ишларнинг, шу ишга ўхшаш бўлган қонун билан ҳал қилишдир. Ўхшашлик бўйича ҳуқуқий нормалар жуда кам ҳолларда қўлланилади. Фақат давлат, жамият, фуқароларнинг манфатларини ҳимоя қилиш учун ўхшашлик қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида жиноят ишларини кўриш учун амалдаги жиноят қонунига асосан ўхшашликка йўл қўйилмайди. Ўхшашлик фақат фуқаролик ишлари бўйича қўлланилади. Бу ЎзР ФКнинг 5—моддасига асосан фуқаролик бўйича мулкӣ ва шахсий муносабатлар қонун ҳужжатлари ёки тарафларининг келишуви билан тўғридан — тўғри тартибга солилмаган ҳолда фуқаролик қонун ҳужжатларининг ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи нормаси қўлланилади. Агар ўхшашлигидан фойдаланиш мумкин бўлмаса, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари фуқаролик ҳужжатларининг умумий негизлари ва мазмуни ўхшашлигига ҳамда қалоллик, оқиллик ва адолат талабларига амал қилган ҳолда белгиланади.

Ўхшашлик бўйича ҳуқуқий нормаларнинг ҳаётда содир бўладиган тегишли ҳал қилишнинг мажбурий шартлари қуйидагича: 1) ҳаётда тегишли ижтимоий муносабатларни кўриб ишни ҳал қилганда, шу масалага оид ҳуқуқ норманинг йўқлиги; 2) турмушда пайдо бўлган ҳодисанинг — яъни ижтимоий муносабатларнинг тегишли ҳуқуқий норма билан тартибга солишни талаб қилишлиги; 3) ҳаётдаги шу ҳодисани ёки ижтимоий муносабатларни давлат ва фуқароларни манфаатлари билан боғлиқ, бўлган объектив зарурият эканлиги.

Ҳуқуқ ТИЗИМИ

Режа:

1. Ҳуқуқ тизими тушунчаси ва унинг тузилиши
2. Ҳуқуқ тизимининг тузилиш тамойиллари
3. Ҳуқуқ тизими ва ҳуқуқшунослик фанлар тизими

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т., «Ўзбекистон», 2003
2. Каримов А.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасидир. 3-том, Т., «Ўзбекистон», 1996

3. Каримов А.А. Биздан озод ва обод ватан қаолсин. 2-том, Т., «Ўзбекистон», 1996.
4. Холмўминов Қ. Давлат ва ҳуқуқ назарияси, ўқув қўлланма. Тошкент, 2000.
5. Бобоев Ҳ.Б., Одиловқориев Ҳ.Т. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик, Тошкент, 2000

1. Ҳуқуқ тизими тушунчаси ва унинг тузилиши. Ҳуқуқ тизими жамиятнинг иқтисодий тузилишидан пайдо бўлиб, у билан боғлиқ бўлган, унинг мустаҳкамлайдиган ҳар бир давлатнинг ички ҳуқуқ тузилиши бўлиб, кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади. Ҳуқуқ тизими жамиятнинг сиёсий, ғоявий, маърифий, маданий ва бошқа ижтимоий белгилари билан боғлиқдир. Ҳамда ҳуқуқ тизими жамиятнинг миллий муносабатлари, унинг урф —одатлари, барча халқнинг ҳуқуқий онги ҳуқуқий маданиятлиги ва давлатнинг ҳуқуқ ижодкорлик фаолиятига борлиқдир. Ҳуқуқ тизими жамиятдаги барча синф, миллат, табақа ва халқнинг қонун даражасида кўтарилган эрки —иродаси бўлиб, улар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳаларидан иборат бўлиб, объектив характерга эга.

Ҳуқуқ нормалари - бу ҳуқуқ тизимининг энг асосий, дастлабки тузилишидир. Ҳуқуқ нормалари жамиятнинг иқтисодий тузилиши билан белгиланадиган, барча кишилар учун мажбурий бўлган, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи турмуш қоидаларидир. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ҳар бир моддаси ҳуқуқий норма бўлиб, булар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун амал қилиш мажбурий бўлган қоидалардир. Ҳуқуқ нормалари барча аҳоли учун умумий ва мажбурийдир. Булар доимий қўлланиладиган бўлиб, унда кишилар учун бажариш шартлари, субъектлар ўртасидаги тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар, тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқбузарлик учун жазо чоралари белгиланади.

Ҳуқуқ институтлари -ҳуқуқ соҳасида ўзаро боғланган жамиятда кишилар ўртасидаги бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи бир қанча ҳуқуқ нормаларидан иборат. Ҳуқуқ институтлари ҳуқуқнинг асоси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам мавжуд. Масалан, «инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари эркинликлари ва бурчлари», «жамият ва шахс» маъмурий ҳудудий ва давлат тузилиши» ва бошқалар ҳуқуқнинг барча соҳасига тааллуқлидир. Жумладан, фуқаролик ҳуқуқи соҳасида-мулк ҳуқуқи институтлари, жиноят ҳуқуқ соҳасида-давлатга қарши институтлар мавжуд. Бу ҳуқуқ институтлари тегишли ҳуқуқ соҳаларининг ички таркибий қисмини ташкил қилади. Ўз навбатида биринчиси — мулкӣ муносабатларни, иккинчиси — давлатга қарши қаратилган жиноят қилишдан келиб чиқадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалардир.

Ҳуқуқ нормалари институтларга бўлишдан мақсад ҳаётда мавжуд бўлган, жуда кўпгина ҳуқуқ нормалари билан турли ижтимоий муносабатларни тартибга солиб, уларнинг ҳуқуқ соҳаларига бирлаштириб, амалиётда ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллашда фойдаланишдир,

Ҳуқуқ соҳаси — бу ҳаётда ўзига хос бир турдаги ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солувчи махсус ҳуқуқ нормалари ва ҳуқуқ институтларининг йиғиндиси. Масалан, молиявий муносабатлар — молия ҳуқуқ соҳаси билан меҳнат ҳуқуқ соҳаси эса меҳнат муносабатлари билан тартибга солади.

Ҳуқуқ соҳаси – бу ҳуқуқ тизимининг асосий қисми ва мустақил бўғинидир. Ҳар бир ҳуқуқ соҳаси умумий ва махсус қисмдан иборат бўлади. Буларда шу соҳага тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг умумий ва махсус тамойиллари баён этилади. Ҳуқуқ нормалари, институтлари ва ҳуқуқ соҳаларига бирлашиб ягона ҳуқуқ тизимини ташкил қилади. Ҳуқуқ тизими — ҳуқуқнинг моҳияти билан яъни табиий ҳуқуқ — табиат томонидан берилган. Масалан, инсоннинг яшаш ҳуқуқи, ҳар бир шахснинг мулкдор

бўлишлик ҳуқуқи ва позитив ҳуқуқ давлат томонидан чиқарилган (объектив ва субъектив) ҳуқуқ билан белгиланади.

Ҳуқуқ тизими Ўзбекистон Республикасида бозор иқтисодиётига ўтиш вазифаларига, жамиятнинг сиёсий тизимини мустаҳкамлаб, демократияни амалга оширади ва ҳуқуқий давлат куриш учун хизмат қилади.

Демак, ҳуқуқ тизими — жамиятнинг иқтисоди, сиёсий ва ижтимоий тузилиши билан боғлиқ, объектив характерга эга бўлган бир турдаги ижтимоий муносабатларнинг тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ, институтлари ва соҳаларини тартиб билан тўғри жойлаштирилишидир.

2. Ҳуқуқ тизимининг тузилиш тамойиллари. Ҳуқуқ тизими тарихан объектив шакилланувчи ҳодиса бўлгани сабабли, унинг нормалари, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳаларига иш ҳам объектив тамойилларга асосланади. Ҳуқуқ тизимининг объектив тамойиллари —бу жамиятда ҳар бир ҳуқуқ соҳаси билан кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишдир. Бу ижтимоий муносабатлар ўзининг мазмунини на давлат бошқарувининг қайси соҳасига тегишли эканлиги билан фарқ қилади. Жамиятнинг иқтисоди, ижтимоий ва сиёсий тузилишидан қолиб чиққан хилма — хил ижтимоий муносабатлар шу муносабатларни тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларнинг турини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳаларига ҳамда ҳуқуқ нормаларига -ҳуқуқ тизимига бўлишнинг бош асосларидан бири бу ҳуқуқ билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлардир. Бу ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солиш предмети деб аталади.

Ҳуқуқий тартибга солиш қуйидаги учта ҳолат билан белгиланади: а) субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни —яъни юридик мажбуриятларни белгилаш тартиби; б) субъектлар ҳаракати даражасини белгилаш; в) субъектив ҳуқуқ ва мажбуриятларни таъминлаш йўллари билан.

Ҳуқуқий тартибга солиш усули ҳуқуқ соҳаларини таққослаганда яққол намоён бўлади. Чунончи, жиноят ҳуқуқида бу усул бўйича «қаттиқ» ҳуқуқий тартибга солиш кўринади, Масалан, безорилик, ўғрилиқ, врачнинг касалга ўз вақтида ёрдам бермаганлиги жиноятларида кўринади.

Ҳуқуқий тартибга солиш асосан 2 — усулга бўлинади: 1) ҳокимият буйруқ усули ёки авторитар усули, 2) диспозитив ёки автономия усули. Авторитар усулда — ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи тарафлардан бири давлат бўлиб у субъектнинг ва бурчларини пайдо бўлишлигини аниқ белгилайди. У ҳокимият ҳуқуқига эга бўлиб, «қаттиқ» тартиб ўрнатади. Бу усул маъмурий, жиноий ва конституциявий ҳуқуқ, соҳаларида ижтимоий муносабатларни тартибга солишда кенг қўлланилади.

Автономия (диспозитив) усулда ҳуқуқий муносабат иштирокчиларига тенг мажбурият белгилайди. Тарафларнинг ҳуқуқ ва бурчлари уларнинг келишуви билан пайдо бўлади, ўзгаради ва бекор бўлади. Бу усул фуқаролик ва соила ҳуқуқ соҳаларида кўпроқ ишлатилади.

Демак, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ соҳалари ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиш ва усули билан бир биридан фарқ қилади. Масалан, фуқаролик на меҳнат ҳуқуқий муносабатлари ўзаро ўхшаш бўлсада, уларнинг тартибга солиш предмети ва усули турличадир. Фуқаролик ижтимоий муносабатларнинг тартибга солиш предмети бўйича — мулкый бўлмаган ва мулкый ҳуқуқий муносабатларни ўргатади. Меҳнат ҳуқуқи эса — ходимларнинг меҳнат қилиш муносабатларини ўргатади. Ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усули бўйича ҳам икки ҳуқуқ соҳаси бир- биридан фарқ қилади. Фуқаролик ҳуқуқида ижтимоий муносабатларни тартибга солиш усули бўйича даъво аризаси судга берилади. Суд бу ишларни кўриб ҳал қилади. Маҳнат ҳуқуқи бўйича ходимларнинг меҳнат низоларини корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат низоларини ҳал қилиш комиссияларида кўриб, кейин касаба уюшмаларида кўрилади. Ходимлар буларнинг қарорларига рози бўлмаса

кейин меҳнат низоси тўғрисида ариза билан судга мурожаат қилади, суд меҳнат низоларини кўриб чиқиб ҳал қилади.

3. Ўзбекистонда ҳуқуқ соҳаларини янгилашни.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлиб, ўзининг миллий ҳуқуқ тизимига эга. Ҳуқуқ тизимини асосини ва унинг янгилашсини 1991 йил 31 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Асосий қонун. ЎЗРнинг Конституцияси ва бошқа бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ташкил қилади. Ҳуқуқ тизими жамият тарраққиёт маҳсули сифатида талабларига мувофиқ равишда ўзгариб боради. Шу билан бирга ҳуқуқ тизимини ташкил топиши ва ривожланиши объектив ҳолда бўлиб, унинг ҳуқуқий нормалар, ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳаларига ажратиш ҳам объектив характердаги тамойилларга асосланади. Шунинг учун Ўзбекистон иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий соҳада ислохатлар ўтказиб унинг ҳуқуқ тизимига кирувчи — ҳуқуқ соҳалари янгилашиб ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат бўлиб, жаҳонда ривожланган давлатлар ва шарқона миллий урф—одатлар асосида кўпгина янги қонунлар қабул қилди. Жумладан, мулк, тўғрисида, давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида, гаров тўғрисида ва бошқа бозор иқтисодига ўтиш билан боғлиқ бўлган кўпгина қонунлар. Булар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизимини умумий ва хусусий бўлинишга олиб келади.

Буржуазия ҳуқуқ фанида унинг ҳуқуқ тизими умумий ва хусусий ҳуқуқга бўлинади. Ҳуқуқнинг бундай бўлинишига қадимги Рим юристи Ульпиан асос солган. Бу назария ҳозиргача буржуазия давлатларида сақланиб, буржуазия олимларининг фикрича ҳуқуқнинг бундай бўлиниши табиий бўлиб, шахс билан давлат ўртасидаги ва хусусий мулкга асосланган ижтимоий муносабатлардан келиб чиққан. Умумий ҳуқуқ давлатга таалуқи бўлиб —унга конституциявий (давлат) ҳуқуқи, савдо ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ соҳалари киради. Хусусий ҳуқуқ — алоҳида шахсларга таалуқли бўлиб, унга фуқаролик ҳуқуқи, савдо ва бошқа ҳуқуқ соҳалари киради,

Собик совет давлатида ҳуқуқнинг умумий ва хусусий бўлиниши тан олинмади. Чунки ҳуқуқнинг бундай бўлиниши кулмрон эксплуататор синфига хизмат қилади деб келинди.

Демак, ҳуқуқ тизими жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тузилиши билан белгиланган объектив характерга эга бўлган бир турдаги ижтимоий муносабатларнинг тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ҳуқуқ институтлари ва ҳуқуқ соҳаларидан иборат. Ҳар бир ҳуқуқ соҳаси ижтимоий муносабатларнинг тартибга солувчи предмет ва усулларга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг асосий ҳуқуқ соҳалари қуйидагилардан иборат:

Конституциявий ҳуқуқ — бу ҳуқуқ соҳаси ЎЗРсида давлат ҳокимиятини амалга ошириш шаклини, фуқароларнинг ҳолатини, ишон ҳуқуқи ва эркинликларини кафолатловчи ҳуқуқий нормаларни, маъмурий ҳудудий ва давлат тузилиш шаклини, Олий Мажлис, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини, сайлов тизими, прокуратура, молия ва кредит, муҳофа ва хавфсизликка оид ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Бу ҳуқуқнинг манбаи мустақил Ўзбекистон Республикасининг янги Конституцияси, турли қонунлар ва бошқа ҳужжатлардир .

Маъмурий ҳуқуқ — давлат бошқаруви, унинг органларининг ташкил топиш тартибини, давлат хизматини ўташ шартларини, давлатни бошқаришда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчларини ўргатади. Бу ҳуқуқнинг манбаи ЎЗРсининг маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги Кодекси, Президент фармонлари, қарор, фармойишлари ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатдир.

Молия ҳуқуқи — Ўзбекистонда давлат пул муомаласини ва молиявий фаолиятини белгилаш, кредит бериш, суғурта, заёмларлар тарқатиш ва уларга ютуқ бериш, банкларга раҳбарлик қилишга оид ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Молия ҳуқуқининг нормалари

ЎзРсининг Конституциясида бюджет тўғрисидаги қонунда, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунда ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган.

Фуқаролик ҳуқуқи - аҳолининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун давлат органлари, жамоат бирлашмалари билан фуқаролар ўртасидаги мулкӣ (маълум қимматга эга бўлган буюм, ашёлар) ва мулкӣ бўлмаган шахсии (фуқаронинг номи, шаъни, кадр қиммати) муносабатларини тартибга соладиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Фуқаролик ҳуқуқининг нормалари фуқаролик тўғрисидаги қонунда ва ЎзРсининг фуқаролик Кодексида ифодаланган.

Меҳнат ҳуқуқи - меҳнат муносабатларини пайдо бўлиши, ўзгариши, тўхтатилиши шартларини белгиловчи, иш ва дам олишликни ва бошқа меҳнат муносабатларини ўргатади, Бу ҳуқуқ нормалари ЎзРсининг Меҳнат Кодекси билан тартибга солинади.

Ер ҳуқуқи - давлат мулки бўлган ердан, ундаги ўрмонлардан ва бошқа бойликлардан фойдаланиш ва унинг самарадорлигини ошириш муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Бу ҳуқуқ нормалари ЎзРсининг Ер Кодекси ва бошқа ер тўғрисидаги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Сув ҳуқуқи - аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан фойдаланиш ва сув объектлари ҳолатини яхшилаш муносабатларини ўргатади. Бу ҳуқуқ нормалари ЎзРсининг Конституциясида, Сув Кодекси ва бошқа сув тўғрисидаги қонунларда акс эттирилган.

Оила ҳуқуқи - фуқароларнинг никоҳда бўлиш шартларини, эр-хотин, ота-оналар, болалар ва оиланинг бошқа аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкӣ, фарзандлика олиш, васийлик, болаларни тарбиялашга, никоҳни бекор қилиш, фуқаролик ҳолати актларни қайд қилиш тартибини ва бошқа оила муносабатларини ҳуқуқий нормалар билан тартибга солади. Бу ҳуқуқ нормалари ЎзРсининг Оила Кодексида мустаҳкамланган.

Жиноят ҳуқуқ - жамият учун хавфли бўлган ҳамда ижтимоий хавфли қилмишлар жиноят эканлигини апиқлайди, жиноят содир қилган шахсларга жазо чораларини белгилайди. Бу ҳуқуқ Жиноят Кодексидан иборат.

Жиноятни ижро этиш ҳуқуқи-суд томонидан айбдор деб топилган шахсларга нисбатан жиноий жазо чораларини ижро этиш, жазони ўташ тартиби ва шартларини, маҳкумларни ахлоқини тузатиш ва уларни қайта тарбиялайдиган ҳуқуқий нормалар йиғиндисидир. Бу ҳуқуқ манбаи ЎзРси жиноятни ижро этиш кодексида жамланган.

Жиноят процессуал ҳуқуқи — суд, прокуратура, тергов суриштирув органлари, адвокатура билан фуқаролар учун жиноий ишларни кўриш тартибини ўргатади. Бу ҳуқуқ нормалари ЎзРсининг Жиноят —Процессуал Кодексида акс эттирилган.

Фуқаролик - процессуал ҳуқуқи — судларнинг фуқаролик, оилавий меҳнат, ер, молиявий ва бошқа ишларнинг кўриш тартибини ўргатади. Бу ҳуқуқ манбаи ЎзРсининг Фуқаролик — процессуал Кодексида акс эттирилган.

Хўжалик-процессуал-ҳуқуқ — хўжалик суди томонидан ҳар хил шакилдаги мулкка эга бўлган корхоналар, жамоа хўжаликлари, хусусий корхоналар ҳамда Ўзбекистон Республикаси бошқа давлатлар ўртасидаги хўжалик низоларини тартибга солади. Бу ҳуқуқ нормалари ЎзРнинг Конституциясида ва ЎзРнинг Хўжалик — Процессуал Кодексида мустаҳкамланган. Бу соҳаларидан дастлабки ўнтаси моддий ва кейинги учтаси процессуал ҳуқуқ соҳаларга киради.

Ҳуқуқ тизимида ҳар бир ҳуқуқ соҳасини пайдо бўлиш ва ривожланиши жамият иқтисодий тараққиётининг объектив қонунлари билан белгиланади, Масалан ҳозирги вақтда ЎзРси бозор иқтисодига ўтиш даврида хусусий мулк ҳуқуқи божхона ҳуқуқи, хўжалик ҳуқуқи ва бошқа янги ҳуқуқ, соҳалари пайдо бўлмоқда.

Ҳуқуқ тизимида халқаро ҳуқуқ алоҳида ўрин эгаллайди. У бирон давлатнинг миллий ҳуқуқ тизимида кирмайди. Халқаро ҳуқуқ, турли ижтимоий системадаги давлатлар

ўртасида тинч — тотув яшаш тамойилларига ва улар ўртасидаги дипломатия ва бошқа турли ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Халқаро ҳуқуқнинг субъекти фақат давлатлар бўлади. Бу ҳуқуқ манбаи турли халқаро шартномалар, битимлар, конвенциялар ва бошқа халқаро нормалар қисобланади. Халқаро ҳуқуқ халқаро умумий ва хусусий соҳалари мавжуд. Халқаро денгиз ҳуқуқи халқаро ҳаво ҳуқуқи, халқаро космос ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқ соҳалари мавжуд.

Ҳуқуқ тизими ва ҳуқуқшунослик фанлар тизими. Ҳуқуқ тизимини юқорида кўриб ўтдик. Ҳуқуқ тизимида қонунлар ва ҳуқуқшунослик фанлар тизими асос қилиб олинсада, лекин улар ўртасида фарқ бор. Қонунлар ёки норматив ҳужжатларни тизими яъни тартибга солиб нашр этиш куйидаги икки хил усуллар билан амалга оширилади. Инкорпорация ва кодификация.

1. Инкорпорация (лотинча «кўшиш») — ҳаётда амал қилаётган қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни мазмунига ўзгартириш киритмасдан хронологик ёки алифбо тартибида, соҳалар бўйича алоҳида тизимга солиб, чиқарилади. Масалан, (1938 —1971) йилларда чиқарилган ЎзССР қонунлар тўплами.

Инкорпорациянинг уч тури мавжуд: 1) расмий инкорпорация, қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни уларни чиқарган давлат органлари томонидан тартибга солиб нашр этиб чиқарилади. Масалан, ЎзРсининг Олий Мажлиси Олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Қабул қилган қонунлар ва қарорларни ҳар ойда чиқадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномасида чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси — ҳукумат амалдаги қонунларга асосан Ўзбекистон ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Бу қарорлар ва фармойишларни ҳар ойда чиқадиган Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг қарорлар тўпламида чиқаради.

2. Официоз инкорпорация — қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тартибга солишда ваколатли давлат органлари томонидан тўплам қилиб чиқарилади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан нашр қилинган қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами.

3. Норасмий инкорпорация — бунда қонун ва бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжатларни махсус ваколатли бўлмаган идора ва ташкилотлар томонидан чиқарилади. Масалан, Ўзбекистонда юридик нашриёт «Адолат» томонидан кўп томлик Ўзбекистоннинг янги қонунларини нашр этиб чиқарилиши.

4. Кодекс (лотинча садеҳ — китоб) — ҳуқуқ нормаларининг соҳалари бўйича ягона тизимга солинган норматив ҳужжат. У қонунларни ҳуқуқ соҳалари бўйича тартибга солишнинг энг муҳим мукамал шаклидир. Кодекс жамиятда кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни муайян соҳасини тартибга солади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги меҳнат, жиноят, фуқаролик, хўжалик процессуал ва бошқа кодекслар.

Ҳуқуқшунослик фанлар тизими ҳуқуқ тизимидан кенг бўлиб кўпгина ҳуқуқшунослик фанларининг номи тизимига тўғри келади. Масалан, жиноят ҳуқуқи, фуқаролик ҳуқуқи, жиноят процессуал ҳуқуқи ва бошқалар. Аксинча шундай ҳуқуқшунослик фанлар борки, улар ҳуқуқ тизимига тўғри келмайди. Масалан, давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва ҳуқуқ тарихи ва ҳоказолар.

Ҳуқуқшунослик фанлари ҳам соҳаларга бўлинади, лекин улар ҳуқуқ тизими соҳаларига мос келмайди. Ҳуқуқшунослик куйидаги соҳаларга бўлинади: давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи, конституциявий ҳуқуқ, маъмурий фуқаролик ҳуқуқи ва фуқаролик процессуал ҳуқуқи, меҳнат ҳуқуқи, ер ҳуқуқи, жиноят ҳуқуқи, жиноят процессуал халқаро ҳуқуқ ва халқаро умумий, хусусий криминалистика, криминалогия ва хўжалик ҳуқуқи.

Юридик адабиётда ҳуқуқшунослик фанлари қуйидаги асосий тўрт гуруҳга бўлинади:

1) умумназарий методологик ва тарихий фанлар (давлат ва ҳуқуқ назарияси, давлат ва тарихи); 2) махсус ҳуқуқ соҳаси билан боғлиқ бўлган фанлар (конституциявий ҳуқуқ, ер, сув, жиноят ва бошқалар); 3) халқаро ва чет эл ҳуқуқни ўрганувчи фанлар (халқаро ҳуқуқ, чет мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи); 4) амалий ҳуқуқшунослик фанлари (криминалистика, суд медицинаси, суд — психиатрияси, суд химияси ва бошқалар).

Демак, Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ тизими жамиятда кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ўхшаш белгиларига қараб жойлаштирилиб, ҳуқуқий нормалар, инситутлари ва турли ҳуқуқ соҳаларидан иборат. Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодига ўтиш даврида бу соҳалари кишилар ўртасидаги турли ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ўрни ва мавқеи ўсиб бормоқда. Шунинг учун жамият тараққий этиши билан тизими ҳам ривожланмоқда.